

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

ISSN 2010-6602

БАНК ХОДИМЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ҲАФТАЛИК НАШРИ

ГАЗЕТА 1995 ЙИЛ ЯНВАРДАН БОШЛАБ НАШР ЭТИЛМОҚДА

№ 40 (1271)

2020 ЙИЛ 8 ОКТЯБРЬ

“ҲАЁТИМИЗДА БОСМА НАШРЛАРНИНГ ҲАМ ЎЗ ЎРНИ БОР”

“Афсуски, биз кейинги йилларда “мажбурий обуна” баҳонасида ихтиёрий обунани ҳам йўқ қилдик. Бунинг натижа-сида мактаб ва олийгоҳларнинг ўқитувчи ва домлалари ўзлари учун зарур бўлган газета ва журналлардан ажралиб қолди. Шундай аянчли ҳолга келдикки, ҳатто ай-рим раҳбарлар газета ўқимаслиги билан мақтанадиган бўлдилар.

Ўзингиз биласиз, дунёда компьютер технологиялари энг ривожланган давлат-лардан бири бу – Япониядир. Лекин ушбу мамлакатда кунига 3-4 миллион нусхада нашр этиладиган газеталар борлигига нима дейсиз? Айтмоқчиманки, ҳаётимизда радио-телевидение, Интернет билан бирга босма нашрларнинг ҳам ўз ўрни бор.”

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат Мирзиёевнинг
Ўқитувчи ва мураббийлар кунига
бағишланган тантанали
маросимдаги нутқидан

“ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК”: ЯНГИ БАНК ХИЗМАТЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

Пойтахтимиз-даги Миллий матбуот марказида “Қишлоқ қурилиш банк” АТБ томони-дан “Банк карталарига асосланган янги банк хизматлари” мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди. Унда банк Бошқаруви раҳбарияти, тегишли таркибий тузилмалар ма-с’ул ходимлари ва оммавий ахборот воситалари вакил-лари иштирок этди.
(Давоми 3-саҳифада)



ОБУНА ЖАРАЁНИ БОШЛАНДИ

ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР,

“Банк ахборотномаси” – “Банковские вести” газеталарининг 2021 йил учун обуна жараёни бошланди. Сизга шуни маълум қиламизки, келгуси йилдан бошлаб, “Банк ахборотномаси” ва “Банковские вести” газеталари ягона бирлашган нашр сифатида чоп этилади. Бу барча ўқувчилар учун ҳам моддий ҳам маънан манфаатли бўлади. Сиз газетанга обуна бўлиш истасангиз, нашримизнинг расмий сайти – www.banknews.uz орқали шартномани тўлдириб, тахририят манзилига юборишингиз мумкин. Ёки “Ўзбекистон почтаси” ва “Матбуот тарқатувчи” ташкилотининг ҳудудий бўлимлари орқали расмийлаштириш ёки фақат тахририят билан шартнома тузган куйдаги ташкилотлар билан обунани ташкил этишингиз мумкин.

Қорақалпоғистон Республикаси ва
Хоразм вилояти

АЖ “Ўзбекистон почтаси” ҳудудий филиалларида
АЖ “Матбуот тарқатувчи” ҳудудий филиалларида

Бухоро вилояти

“INFORM POSHTA” МЧЖ – 71-237-08-70

Жиззах вилояти

“MATBUOT TONGI” МЧЖ – (91-599-58-98)

Навоий вилояти

“INFORM POSHTA” МЧЖ – 71-237-08-70

Қашқадарё вилояти

“INFORM POSHTA” МЧЖ – 71-237-08-70

Сирдарё вилояти

“Сирдарё матбуот хизмати” – (97-277-27-72)

Сурхондарё вилояти

“SURXON MATBUOT NASHRLARI” МЧЖ – (91-586-70-00)

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти

“KALEON INFORM” МЧЖ – (71-267-18-94)

“Тошкент матбуот медиа” – (97-156-22-77)

“INFORM POSHTA” МЧЖ – 71-237-08-70

Самарқанд вилояти

“INFORM POSHTA” МЧЖ – 71-237-08-70

“Тошкент жаҳон зиё” – (97-922-02-33)

Фарғона вилояти, Наманган вилояти, Андижон вилояти

“INFORM POSHTA” МЧЖ – 71-237-08-70

“Сайёр – 2017” МЧЖ – (99-990-61-01)

Обуна индекси – 102

Обуна буйича мурожаат учун

Тел.:

(998) 99 837 11 04

71 234 43 18

Факс:

(998) 71-234-43-18.

МУЛОҲАЗА

5


НАРХЛАР ЯНА
ОШМАСМИКАН...



ДУНЁ МОЛИЯСИ

8

“МОЛИЯВИЙ ТАРМОҚДАГИ
КАТТА МУАММО – КЎП
КРЕДИТЛАРДИР”



МАСЛАХАТ

12

ШАРБАТНИНГ ИНСОН
САЛОМАТЛИЛИГА ТАЪСИРИ



ТАДБИРКОРЛИКНИ Қўллаб-қувватлаш учун 40 млн.доллар

“Ипотека-банк”

АТИБ ва Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) ишончли шериклик муносабатларини давом эттириб, Ўзбекистонда коронавирус пандемиясидан зарар кўрган кичик ва ўрта бизнес корхоналарнинг ишбилармонлиги фаолиятини рағбатлантириб келмоқдалар.



Бу сайёҳаракатларнинг узвий давоми сифатида яқинда “Ипотека-банк” АТИБ нинг Бош офисидан Ипотека-банк ва ЕТТБ ўртасида 40 млн. АҚШ доллари миқдорда кредит шартномаларини имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Мазкур имзолаш маросимида ЕТТБ Молия институтлари департаменти Марказий Осиё бўйича бизнес-етакчиси, Марказий Осиё ва Россия бўйича катта банкир Жаҳон Шамсиев ва “Ипотека-банк” АТИБ Бошқаруви Раисининг биринчи ўринбосари Элёр Иномжонов бошчилигидаги вакиллар иштирок этди, дея хабар бермоқда Банк Ахборот хизмати.

Имзоланган ҳужжатлар тўплами ўз ичига иккита кредит шартномаларни олди. Унга кўра, биринчи – кичик ва ўрта бизнес вакилларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган 30 млн. АҚШ долларлик кредит шартномаси бўлиб, бу билан кичик ва ўрта бизнесни узоқ муддатли кредитлар билан қўллаб-қувватлаш лойиҳаси доирасида ЕТТБ томонидан “Ипотека-банк”ка ажратилган жами кредитлар миқдори 75 млн. АҚШ долларига етди.

Иккинчиси эса ЕТТБ нинг “Тадбиркор аёл” дастури доирасида имзоланган 10 млн. АҚШ долларлик кредит шартномаси бўлиб, мазкур кредит мамлакатимизда тадбиркорлик билан

шуғулланувчи аёлларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилади.

Таъкидлаш жоизки, ЕТТБ нинг “Тадбиркор аёл” дастури Ўзбекистонда илк бор амалга оширилмоқда ва “Ипотека-банк” АТИБ биринчи бўлиб ушбу дастурнинг иштирокчисига айланди.

Келишувни имзолаш давомида ЕТТБ вакили Жаҳон Шамсиевнинг таъкидлашича, “Кичик ва ўрта бизнес вакиллари ҳамда тадбиркор аёллар фаолиятини қўллаб-қувватлаш Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришда устувор йўналишлардан бири ҳисобланади. Ўз навбатида, ЕТТБ фаолиятида ҳам кичик ва ўрта бизнес вакиллари фаолиятини ҳамда аёллар тадбиркорлигини молиялаштиришни қўллаб-қувватлаш муҳим ўрин тутди. ЕТТБ ва “Ипотека-банк” ўртасидаги самарали ва ҳар томонлама ҳамкорлик Ўзбекистон молия сектори учун узоқ муддатли фойда келтиради”.


Қайд жоизки, “Ипотека-банк” Ўзбекистон молия бозорига энг йирик банклардан бири ҳисобланиб, бизнес соҳасида аёлларни ўқитиш ва уларнинг фаолиятини молиялаштириш учун барча имкониятларини ишга солиб, шу орқали уларнинг мамлакат иқтисодиётининг барча жабҳаларида фаол қатнашишига кўмак бериб келмоқда. Бу эса, ўз навбатида, хотин-қизларнинг келажакка ишонч билан боқишларига имкон беради.

Банк Ахборот хизмати

ҲАБАР

“2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси”га мувофиқ, Марказий банк бошқаруви томонидан “Тижорат банкларида банк хизматларини кўрсатиш сифатини баҳолаш услубиёти” тасдиқланди.

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА БАНК ХИЗМАТЛАРИНИ Кўрсатиш сифатини Баҳолаш тизими Жорий қилинмоқда



Мазкур услубиёт асосида Марказий банк томонидан банк хизматлари истеъмолчилари орасида даврий сўровлар ўтказиш орқали банкларда хизмат кўрсатиш сифати баҳолаб борилади ва уларнинг натижалари асосида банкларнинг рейтинг шакллантирилади ҳамда Марказий банк расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари орқали оммага эълон қилиниб борилади.

Ушбу инструмент банкларнинг хизмат кўрсатиш борасида заиф нуқтларини аниқлашга ҳамда мавжуд тизимли камчиликларни бартараф этишга ва банкларнинг ўз мажбуриятларига бўлган жавобгарлик ҳиссини янада оширишга хизмат қилади.

Cbu.uz

“АЗИЯ-ИНВЕСТ БАНК” АЖ ЎЗБЕКИСТОНДАН МАҲСУЛОТЛАР ИМПОРТИНИ КРЕДИТЛАШ ДОИРАСИНИ КЕНГАЙТИРМОҚДА

“Азия-Инвест Банк” АЖ – “Ташқи иқтисодий фаолият Ўзбекистон миллий банки” АЖ нинг Россия Федерациясидаги шўба банки ҳисобланиб, мунтазам равишда Россия корхоналарини молиялаштириш, Россиянинг федерал ва минтақавий савдо тармоқларига Ўзбекистондан тўқимачилик ва мева-сабзавот маҳсулотларини етказиб бериш билан шуғулланади.

Анъанавий ишлаб чиқаришдан ташқари, чет эл бозорига, юқори қўшимча қийматга эга бўлган, кабель ва сим, электр – маиший техника маҳсулотлари ҳамда электр энергияси ускуналарини ишлаб чиқарувчиларини бирлаштирувчи, “Узелтехсаное” ассоциациясининг маҳсулотлари ҳам чиқмоқда.

Банк ҳамда “Узелтехсаное” ўртасидаги ҳамкорлик натижасида, Россия Федерациясига маиший ва электротехника маҳсулотларини импорт қилувчи Россия корхоналари молиялаштирила бошланди. Натижада, Россия корхоналарига Ўзбекистон-



нинг “Артел” компанияси маҳсулотларининг дилер/дистрибуторлари учун кредит линиясини очиш тўғрисида келишувларга эришилди.

Жорий йилнинг сентябрь ойида Банк томонидан, “Артел” корхонасининг Россиядаги дистрибутори ҳисобланувчи “Артел - Рус” МЧЖ учун кредит линияси очилди. Бу эса корхонага жорий йилнинг сўнгига қадар маиший техника маҳсулотларини етказиб бериш ҳажмини 10 млн. АҚШ долларига қадар ошириш

имконини беради.

Россия бозорларига “Узелтехсаное” ассоциациясининг “Артел” ва бошқа корхоналари маҳсулотларининг экспорт ҳажмини “Азия – Инвест Банк” АЖ нинг молиявий инструментларидан фойдаланган ҳолда оширилиши, ўзаро товар айрибошланишнинг тез суръатларда ўсиши, икки давлат ўртасидаги халқаро ҳамкорликнинг янада мустаҳкамланиши, саное ривожланиши учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Яқинда Халқ банки Германиянинг жаҳонга машҳур “Deutsche Bank AG” банки билан ҳамкорлик ўрнатди. Мазкур банкларнинг ҳамкорлиги доирасида 150 млн. АҚШ долларигача миқдорда кредит олиш юзасидан истиқболли битим имзоланди. Ҳозир битим доирасида 102,5 млн. АҚШ доллари миқдорда мақбул фоизларда кредит маблағлари жалб қилиняпти. Келгусида яна 47,5 млн. АҚШ долларилик қисми ҳам ўзлаштирилиши кўзда тутилган. Бу ҳақда Банк Ахборот хизмати маълум қилган.

ХАЛҚ БАНКИ “DEUTSCHE BANK AG” БИЛАН ЙИРИК БИТИМ ИМЗОЛАДИ

Халқ банки бу маблағларни биринчи навбатда, банк мижозлари ва тадбиркорлик ташаббусларини молиявий қўллаб-қувватлашга йўналтиради. Масалан, экспортчи корхоналарни қўллаб-қувватлашга 25 млн. АҚШ доллари, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва гўшт етиштириш ҳажмини оширишга ҳам шунча маблағ ажратилади.

Чунончи, Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон тумани умумий қиймати 5 млн. долларлик истиқболли лойиҳа рўёбга чиқарилиши натижасида йилига 25 минг тонна бугдойни қайта ишлаш йўлга қўйилса, Сирдарё вилоятининг Гулистон туманида 5 млн. АҚШ долларлик кредит эвазига йиллик қуввати 25 млн. донага тенг қоп ишлаб ишлаб чиқариш технологияси ишлаб

туширилади. Шу билан бирга, Бухоро вилоятининг Когон туманида 1,4 млн. АҚШ доллари эвазига Украина давлатидан 1260 бош насли қорамоллар келтирилиб, бурдоқчилик фаолиятига киришилади.

Шунингдек, 52,5 млн. АҚШ долларлик сармоя ҳисобидан ун, ўсимлик ёғи, қизилмия экспорт ва пахта хом-ашёсини қайта ишлаш орқали ярим тайёр калава-ип ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Хусусан, Тошкент вилоятида банк томонидан ажратилаётган 500 минг АҚШ доллари миқдордаги кредит ҳисобига бу ерда йилига 5 минг тонна ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш кўзда тутилмоқда.

Энг асосийси, молиялаштирилган лойиҳалар доирасида тайёрланган маҳсулотларнинг аксарияти экспортга чиқарилади.

“ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК”: ЯНГИ БАНК ХИЗМАТЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

(Бошланиши 1-саҳифада)

Тадбирни Банк Бошқаруви раиси ўринбосари Бобохон Бобожонов очиб, банк томонидан пандемия даврида карантин талаблари асосида аҳоли кенг хизматлар кўрсатиб келинаётгани ҳамда аҳоли учун янада қулай янги банк хизмат турлари жорий этилаётгани ҳақида сўз юритди.

Шунингдек, анжуман давомида Банк карталари бизнесини ривожлантириш департаменти бошлиғи Жавоҳир Алимов сўз олиб, жорий йил давомида банк томонидан амалиётга татбиқ этилган янги банк хизматлари ҳақида батафсил маълумот берди.

Таъкидландики, пандемия шароитида аҳолига масофавий банк хизматлари кўрсатишга ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, банк мобил иловаси орқали пластик карталарга on-line тарзда аризалар қабул қилиш ва буюртмаларни мижозларнинг уйларига етказиб бериш хизмати йўлга қўйилди.

Шунингдек, банк мижозлар учун янада қулай хизмат турларини жорий этиш мақсадида “HUMO” банкоматлари ва терминаллари VISA ва Mastercard халқаро тўлов тизимларига интеграция қилинди. Бу билан VISA ва Mastercard халқаро банк карталари “HUMO” банкоматлари ва терминаллари орқали миллий валюта сўмда тўловларни амалга ошириш имконияти яратилди.



Умуман олганда, банк томонидан рақамли банк ва Retail – янги банк хизматларини жорий этиш борасида қўрилган чоралар аввало, мижозлар учун қатор қулайликлар яратётганини қўйидаги рақамлар орқали ҳам қўриш мумкин. Хусусан, айти пайтда 46 дан ортиқ ATM 24/7 ўз-ўзига хизмат кўрсатиш шаҳобчалари ташкил этилган. Улар орқали банк филиалларига бормасдан туриб, 35 дан ортиқ тўловларни амалга ошириш мумкин.

Шуни ҳам алоҳида қайд этиш жоизки, банк томонидан қўрилган чоралар натижасида Uzcard ва UnionPay тўлов тизимларини ўзида мужассамлаштирган Кобейжинг карточкалари ҳамда VISA Classic ва VISA Gold халқаро



ФОТО: Владимир ЗАВЕРОВ

Яна бир муҳим янгилик, жорий йилда юртимиз банклари орасида илк бор АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” “Uzcard” тўлов тизими билан биргаликда “Cash-in/Cash-out” функциясига эга банкоматларда автоматлаштирилган шаклда валюта сотиб олиш хизмати йўлга қўйди. Бу ўз навбатида, айирбошланган хорижий валютани банкомат орқали тўғридан-тўғри банк картасига кириб қилиш имконияти ҳам яратилди. Бугунги кунда банк мазкур хизматни кўрсатадиган банкоматлар сонини ошириш мўлжалланмоқда.

Жорий этилган яна бир қулайлик, “QQB Mobile” иловаси орқали дунёнинг 170 дан ортиқ мамлакатидан юборилган пулларни миллий ва хорижий валютада қабул қилиш, энг асосийси, келиб тушган пулни тўғридан-тўғри банк пластик картасига кириб қилиш мумкин.

тўлов карталари муомалага чиқарилди. “VISA Classic” халқаро тўлов карталарининг қулайлиги шундаки, карта орқали дунёнинг 200 дан ортиқ мамлакатларида жойлашган VISA логотипи мавжуд бўлган муассасаларда тўловларни амалга ошириш мумкин. Ҳозирда банк томонидан эмиссия қилинаётган мазкур карталар интернет орқали фирибгарликдан ҳимоялаш мақсадида 3D-Secure хизматлари жорий қилинган.

Бу борадаги ишларни янада ривожлантириш мақсадида барча турдаги банк карталарию терминаллари on-line тарзда олиш, виртуал карта ва электрон ҳамён яратиш, мобил тўловларни янада такомиллаштириш каби лойиҳалар устида ишлар давом этмоқда.

Анжуман сўнггида журналистлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга батафсил маълумот олдилар.

Яқинда Қашқадарё вилояти ҳокими Зойир Мирзаев раҳбарлигида тадбиркорлар масалалари бўйича “ZOOM” дастури орқали ўтказилган онлайн йиғилишда уч томонлама – ҳокимлик вакиллари, вилоят банк раҳбарлари ва тадбиркорлар юзма-юз мулоқот қилди.



ВИЛОЯТ ҲОКИМИ БАНКЛАР ФАОЛИЯТИДАН ҚОНИҚМАДИ

Бу ҳақда Қашқадарё вилояти ҳокимлигининг расмий веб-сайти маълум қилмоқда.

Йиғилишда тадбиркорлик субъектларига иссиқхона қуриш лойиҳалари бўйича ажратилмай келаётган кредит маблағлари муҳокама этилди.

Хусусан, Қарши тумани Хонабод ҳудудидан 27 нафар тадбиркорларга иссиқхона қуриш учун туман ҳокимининг қарори билан 124 гектар ер майдони ажратилган. Улар томонидан кредит олиш учун зарур ҳужжатлар тўлиқ тайёрланиб, тижорат банкларига тақдим этилган. Бироқ, тижорат банклари молиявий ресурс мавжуд эмаслигини билдирган ҳолда тадбиркорларга кредит ажратилишини ортага суриб келишмоқда.

– Ҳар бир тадбиркор фойда олсам, бирим икки бўлсин деб, иш бошлайди, – дейди тадбиркор Дилшод Азизхонов йиғилишда. – Бироқ бу йўлда айрим қийинчиликлар бу ниятларимизни пучга чиқарапти. Масалан, банкдан кредит олиш учун барча ҳужжатларни тақдим қилганман. Аммо, улар умуман эшитишмаяпти. Неча йиллик банк мижози бўлсам-да, ҳисоб рақамингизни бошқа банкка кўчириб дейишяпти, холос.

Бу каби масалалар бўйича банк раҳбарларининг фикрлари тингланганда, аксарият банклар кредит ажратилишига нима тўсқинлик қилаётганлигига тайинли жавоб қайтара олишмади.

– Жорий йилнинг 6 июлида Муҳтарам Юртбошимиз ўтказган йиғилишида банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясини амалга ошириш вазифасини қўйган эдилар. Сизнинг шу эскича қарашингиз, тадбиркорларга бўлган бу каби муомала, касбингизга бўлган эътиборсизлик сизларга қандай ишонши мумкин. Мен ишонмаяман, – деди вилоят ҳокими йиғилишда.

– Бугун банк раҳбарлари ўз мижозларига қулайликлар яратиши, улар тақдим этаётган лойиҳалар устида бирга ишлаши, ҳар бир истиқболли режаларни амалга оширилишида туртки бўлиши ўрнига аксини қилаётганга ўхшайсизлар. Тадбиркорлардан аёнки, кредит ажратилмаслиги учун айнан сизлар ҳаракат қилмасизлар. Мен учун ҳар бир лойиҳа, тадбиркор сони ортиши, кенгайиши муҳим. Нима ни кутаясизлар? Бунақа банк тизимини футболга айлантирманглар, – деди вилоят ҳокими ўз сўзида.

Йиғилишда уч нафар банк раҳбаридан тушунтириш хати олиш, бир нафарининг ишда қолиш ёки иш фаолиятини давом эттириш масаласи кўриб чиқилиши белгиланди.

Шунингдек, вилоят ҳокимининг топшириғи билан вилоят прокуратура ходимларидан ишчи гуруҳи тузилиб, вилоятдаги тижорат банклари томонидан кўрсатилаётган хизматлар ўрганилиши ҳамда натижалар юзасидан вилоят халқ депутатлари сессиясида мазкур масала кўриб чиқилиши таъкидланди. Сессияга қадар вилоят ахборот маконида банклар фаолиятини баҳоловчи ижтимоий сўровномалар ўтказилиши бўйича кўрсатма берилди. Бундан буён вилоят телевидениеси орқали муаммоли тадбиркорлар иштирокидаги шу каби йиғилишлар жонли эфирда бериб борилиши белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқаруви жорий йил 10 сентябрда бўлиб ўтган мажлисида асосий ставкани 1 фоиз бандга пасайтириб, йиллик 14 фоиз даражасида белгилади. Бу пасайиш қайси кредитлар ставкаларига таъсир қилади, деган савол туғилади.



АСОСИЙ СТАВКА ҚАЙСИ КРЕДИТЛАРГА ТАЪСИР ҚИЛАДИ ?

Келинг, бу масаласи батафсил тўхталиб ўтамиз. Мазкур пасайтирилиш депозитлар бўйича фоиз ставкалар, банклараро пул бозори фоиз ставкаларига ўз таъсирини ўтказди ҳамда пасайтиришдан кўзланган асосий мақсад кредитлар бўйича фоиз ставкаларининг пасайиши ва унга талабнинг ошиши натижасида иқтисодий фаолликни қўллаб-қувватлашни таъминлаш ҳисобланади.

Марказий банк томонидан ушбу қарор иқтисодиётда ижобий реал фоиз ставкаларини сақлаб қолиш зарурати, шунингдек, пандемия шароитида инфляцияни пасайтириш ва иқтисодий фаолликни қўллаб-қувватлаш мақсадлари ўртасидаги мувозанатни таъминлаш билан изоҳланган.

Энди эса ушбу пасайтирилиш тўғрисидадан тўғри таъсир қиладиган кредитларга тўхталиб ўтсак:

Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 26 июлдаги 318-сон қарорига билан тасдиқланган "Олий ўқув юртлирида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида"ги низомга асосан тижорат банклари томонидан таълим кредитлари 2020 йил 1 январга қадар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасидан юқори бўлмаган ўзгаришчи фоиз ставкаларида ажратилган.

Мазкур низомда таълим кредитлари бўйича фоиз ставкаси ва тижорат банклари томонидан қўшилладиган фоизлар учун тўловлар миқдори Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси ўзгаришига қараб ўзгариши мумкинлиги, бу кредит шартномасида қайд этилган бўлиши кераклиги белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва ҳукуматининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида" 2019 йил 12 декабрдаги ПФ-5893-сонли Фармонига мувофиқ низомга "2020 йил 1 январдан таълим кредитлари ставкалари бозор ставкалари асосида белгиланиши ҳақида ўзгартириш киритилган.

Юқорида келтирилганлардан келиб чиқиб, 2020 йил 1 январга қадар таълим кредити олган шахслар агарда банк билан расмийлаштирилган кредит шартномаларида фоизлар миқдори Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси ўзгаришига қараб ўзгариши тўғрисидаги банд мавжуд бўлса, кредит фоиз ставкасини бир фоизга пасайтириш ҳақида тижорат банкка талаб қўйиши мумкин.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 8 июндаги 20/1-сон қарори билан тасдиқлан-

ган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 9 июнда 3022 рақам билан рўйхатдан "Ҳар бир оила - тадбиркор" дастури доирасида кредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги"ги низомнинг 4- бандида дастури доирасидаги кредитлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасида, 2021 йил 1 январдан эса тижорат банклари томонидан бозор тамойиллари асосида мустақил равишда ўрнатиладиган ставкаларда ажратилиши белгиланган.

Шундан келиб чиқиб, "Ҳар бир оила - тадбиркор" дастури доирасидаги кредитлар 2020 йил 11 сентябр санасидан бошлаб расмийлаштирилладиган кредит шартномаларига мувофиқ йиллик 14 фоиз ставкада ажратилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2019 йил 28 ноябрдаги ПФ-5886-сонли Фармонининг 4-бандида янги тартиб доирасида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тижорат банкларига ажратилган маблағлар ҳисобидан бирламчи уй-жой бозоридан сотиладиган квартираларни (шу жумладан, янги тартиб доирасидан ташқари қурилган ва бирламчи уй-жой бозоридан сотиладиган квартираларни) сотиб олиш учун ипотека кредитлари бўйича фоиз ставкалари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси пасайтирилган тақдирда, Молия вазирлиги томонидан ажратилган маблағлар ва тижорат банкларининг ипотека кредитлари бўйича фоизлар мутаносиб равишда камайиши, оширилган тақдирда эса ўзгаришсиз қолиши белгиланган.

Шундан келиб чиқиб, "Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2019 йил 28 ноябрдаги ПФ-5886-сонли Фармонга мувофиқ янги тартиб доирасида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тижорат банкларига ажратилган маблағлар ҳисобидан бирламчи уй-жой бозоридан сотиладиган квартираларни (шу жумладан, янги тартиб доирасидан ташқари қурилган ва бирламчи уй-жой бозоридан сотиладиган квартираларни) сотиб олиш учун ипотека кредитлари бўйича фоиз ставкалари мутаносиб равишда пасайтирилади.

Шерзод СУВАНКУЛОВ
Марказий банкнинг Самарқанд вилояти
Бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари

Жасур БАҲРИЕВ
Кредит бошқармаси бошлиғи

НАМАНГАН ВИЛОЯТИДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ ПАХТА ЙИҒИМ-ТЕРИМ МАВСУМИДА МАЖБУРИЙ МЕҲНАТГА ЖАЛБ ЭТИЛИШИ ҲОЛАТИ ЮЗАСИДАН ЎРГАНИШ ОЛИБ БОРИЛДИ

Олий Мажлис Сенатининг ишчи гуруҳи томонидан 2020 йил 30 сентябрь куни Марказий банкнинг Наманган вилоят бошқармасида вилоятдаги мутасадди ташкилотлар томонидан мажбурий меҳнатнинг қатъий назоратини таъминлаш бўйича Республика ишчи гуруҳи томонидан Марказий банк Наманган вилоят бош бошқармаси ҳамда вилоят ҳудудидаги тижорат банклари мажбурий меҳнатга жалб этиш ҳолати юзасидан ўрганиш ўтказилди.

Ижтимоий тармоқлардаги "Банкир кундалиги" каналида берилган маълумотлар(пост)га асосан ҳамда Сенат Раисининг ёзма кўрсатмасига биноан Ишчи гуруҳ вилоятдаги мавжуд 17 та банда мажбурий меҳнат юзасидан мониторинг ўтказди.

Мониторингга асосан банк шохобчасидаги штат асосида ишловчи ходимларни бугунги кунда ўз иш жойларида фаолият олиб бораётганлиги, уларнинг пахта йиғим-теримига (мажбурий меҳнатдан) жалб этилмаслиги ҳақида баҳардорлиги, пахта йиғим-терим вақтида ўзининг ўрнига бошқа одам ёллаш ҳолати бўлганлиги, ходимлардан қўшимча маблағ йиғилганлиги, дам олиш кунлари оммавий пахта ҳашарига жалб қилиш ҳолатлари бўлган ёки бўлмаганлигига эътибор қаратилди.

Ишчи гуруҳ аъзолари томонидан ушбу саволлар юзасидан ҳар бир банк ходимлари билан алоҳида суҳбатлар ўтказилди. Вилоят ҳудудидаги банкларда жами 1078 та штат бирлиги мавжуд бўлиб, шундан 914 нафар ходим билан аноним сўровлар ўтказилди.

164 нафар ходимдан 100 нафари бетоблиги, 17 та бўш иш ўринлари, 10 нафари хизмат сафари юзасидан вилоятдан ташқарида ҳамда 37 нафари меҳнат таътилида бўлганлиги сабабли ўтказилган сўровномада қатнаша олмади.

Ўтказилган суҳбатларда маълум бўлдики, вилоятда 2020 йил 14 сентябрдан пахтага ялли сафарбарлик эълон қилинган бўлиб, 21 сентябрга қадар айрим банкларда маълум миқдорда техник ходимлар (фаррош, боғбон ва ҳайдовчилар) ихтиёрий равишда ўзлари пул ишлаш мақсадида пахтага чиққанлиги аниқланган. Сенат ишчи гуруҳи ўрганиш натижасида 23 сентябрдан бошлаб барча банк томонидан чиққан ушбу ходимлар пахта далаларидан олиб чиқиб кетилган.

Жойларда кластер, фермер ва отряд раҳбарлари билан суҳбатлашганида банк ходимлари пахта теримида иштирок этмаётганлиги ва отрядларда йўқлиги ҳақида аниқ жавоблар берилган.

Ижтимоий тармоқдаги "Банкир кундалиги" телеграм канали админи Ҳумоюн номли профил эгасига мурожаат қилиниб, ундан 2020 йил 29 сентябрь куни ўзининг каналида 18.00 да жойлаштирилган пост юзасидан маълумот сўралганда, Админ томонидан "Салом" деган сўз қолдирилди ва бошқа алоҳида чиқмади. Эълон қилинган пост юзасидан маълумот беришдан бош тортиди.


Шу аниқландики, бугунги кунда Наманган вилояти Марказий банк бош бошқармаси ҳамда вилоятдаги тижорат банк ходимлари ўз иш жойида фаолият олиб бормоқда.

Агар шу каби ҳолатлар кузатилса, Олий Мажлис Сенатига мурожаат қилиш сўралади.

Талибжон МАДУМАРОВ,
Республика ишчи гуруҳи раҳбари
senat.uz

Охириги 12 ой давомида истеъмол нархлари индексида (ИНИ) пасажовчи тенденция кузатилди. Хусусан, 2019 йилнинг сентябрь ойида йиллик инфляция даражаси 16,0 фоизни ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич жорий йилнинг сентябрь ойига келиб 11,7 фоизга тенг бўлди. Мазкур даврда, озиқ-овқат товарлари инфляцияси умумий инфляция даражасидан юқори кўрсаткичларда шакланганлиги кузатилиб, ноозиқовқат товарлари ва хизматларда эса нархларнинг ўсиш тенденцияси умумий инфляциядан паст даражада қайд этилди.

2-расм. Республика ва ҳудудлар кесимида озиқ-овқат товарлари инфляцияси



Манба: Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида Марказий банк ҳисоб-китоблари.

ҲУДУДЛАРДА АСОСИЙ ТОВАР ВА ХИЗМАТЛАР ИНФЛЯЦИЯСИ

Таъкидлаш лозимки, 2020 йилнинг август ойига келиб ИНИ ҳамда унинг асосий таркибий қисмларида йиллик ўсиш кўрсаткичи сезиларли даражада пасайди. Бунда, 2019 йилнинг август ойидаги тартибга солинадиган нархлар ҳамда иш ҳақи оширилишининг таъсирлари тугаб бориши билан изоҳлаш мумкин. Бироқ, сентябрь ойида истеъмол нархлари инфляцияси сезиларли охириги, 1,4 фоизга тенг бўлди.

Инфляция охириги асосан озиқ-овқат нархлари эвазига шаклланди. Хусусан, тухум (6,5 фоизга), гўшт маҳсулотлари (3,8 фоизга), гуруч (2,8 фоизга), ўсимлик ёғи (2,8 фоизга) ҳамда мева ва сабзавотларнинг мавсумий (3 фоизга) қимматлашиши кузатилди.

Умуман олганда, жорий йилнинг дастлабки тўққиз ойида республика бўйича инфляция даражаси 6,3 фоизни ташкил этди. Ҳудудлар кесимида нархлар айрим айрим ҳудудларда юқори даражада ўсиши кузатилди. Хусусан, Тошкент шаҳрида йил бошига нисбатан нархлар ўртача 8,9 фоизга, Тошкент, Қашқадарё ва Жиззах вилоятларида мос равишда 6,7, 6,6 ва 6,5 фоизга ошди. Шунингдек, Сурхондарё, Андижон ва Наманган вилоятларида инфляция республика кўрсаткичига нисбатан пастроқ даражада шаклланди.

ОЗИҚ-ОВҚАТ ТОВАРЛАРИ. 2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида озиқ-овқат товарлари инфляцияси республика бўйича ўртача 7,5 фоизни ташкил этди (туган йилнинг мос даврида 8,4 фоизни ташкил этган).

Ҳудудлар кесимида таҳлил қилинганда, Тошкент шаҳри (10,6 фоиз), Жиззах (8,3 фоиз), Тошкент (8,0 фоиз), Қашқадарё (7,8 фоиз), ва Хоразм (7,6 фоиз) вилоятларида озиқовқат товарлари нархларининг охириги республика бўйича ўртача озиқ-овқат инфляциясидан юқори даражада шакланган бўлса, Сурхондарё (5,2 фоиз), Қорақалпоғистон Республикаси (5,4 фоиз), Андижон (6,0 фоиз), Сирдарё (6,7 фоиз), Наманган (6,8 фоиз) ва Бухоро (6,9 фоиз) вилоятларида нисбатан пастроқ даражада қайд этилди (2-расм).

Таъкидлаш жоизки, 2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида озиқ-овқат товарлари инфляциясига таъсир кўрсатган асосий омилларга гўшт маҳсулотлари, нон ва нон маҳсулотлари, бугдой уни, картошка, гуруч ва тухум сезиларли даражада қимматлашгани сабаб бўлди.

ГЎШТ МАҲСУЛОТЛАРИ. Мазкур даврда гўшт маҳсулотларининг нархи республика бўйича ўртача 14,8 фоизга қимматлашди. Ҳудудлар кесимида ушбу маҳсулот нархининг энг юқори ўсиши Самарқанд вилояти (18,1 фоиз) ва Сирдарё вилоятида (17,6 фоиз) кузатилган бўлса, энг паст даражаси Андижон ва Фарғона вилоятларида (11,4 фоиз) қайд этилди.

БУҒДОЙ УНИ. 2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида бугдой уни нархида ўсувчи тенденция кузатилган бўлиб, республика бўйича ўртача 12,5 фоизга қимматлашди.

Ҳудудлар кесимида бугдой уни нархининг энг юқори ўсиши Тошкент шаҳрида (17,5 фоиз) ва Самарқанд вилоятида (17,4 фоиз) кузатилди. Энг паст даражаси эса Фарғона вилояти (7,2 фоиз) ва Қорақалпоғистон Республикасида (7,4 фоиз) қайд этилди.

НОН ВА НОН МАҲСУЛОТЛАРИ. Жорий йилнинг дастлабки тўққиз ойи давомида нон ва нон маҳсулотлари республика бўйича ўртача 10,4 фоизга ошди. Ҳудудлар кесимида таҳлил қилинганда энг юқори ўсиш Самарқанд вилоятида (14,8 фоиз) қайд этилган бўлса, энг паст даражаси Сурхондарё вилоятида (6,3 фоиз) кузатилди.

ТУХУМ. Ҳудудлар кесимида тухум нархи динамикаси турли хил тенденцияларда шаклланди. Хусусан, ушбу маҳсулот нархи республика бўйича ўртача 14,2 фоизга ошган бўлса, ҳудудлар кесимида, Жиззах вилояти ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида, мос равишда, 26,2 ва 23,1 фоизга қимматлашди.

ГУРУЧ. 2020 йилнинг январь-сентябрида гуруч нархи республика бўйича ўртача 11,9 фоизга ўсди. Ҳудудлар кесимида гуруч нархининг энг юқори ўсиш даражаси Қорақалпоғистон Республикасида (17,5 фоиз), Жиззах (15,7 фоиз) ҳамда Қашқадарё (15,4 фоиз) вилоятларида қайд этилиб, энг паст ўсиш даражаси Сурхондарё (7,0 фоиз) ва Наманган (8,1 фоиз) вилоятларида кузатилди.

ЎСИМЛИК ЁҒИ. Мазкур даврда ўсимлик ёғи нархида ўсувчи тенденция кузатилиб, республика бўйича ўртача 11,3 фоизга ошди. Ҳудудлар кесимида, ушбу товар нархининг энг юқори ўсиши Сирдарё (15,8 фоиз) ва Наманган (15,0 фоиз) вилоятларида қайд этилди, энг паст даражаси эса Қорақалпоғистон Республикаси (6,9 фоиз) ва Навоий (7,7 фоиз) вилоятларида кузатилди.

САБЗАВОТЛАР. Кузатилаётган давр мобайнида сабзавот нархлари инфляцияга пастроқ таъсир олиб қолди. Хусусан, сабзавот нархлари республика бўйича ўртача 24,9 фоизга арзонлашди.

Ҳудудлар кесимида, энг сезиларли арзонлашувчи Сурхондарё вилоятида (37,4 фоиз) кузатилган бўлса, энг паст арзонлашувчи Хоразм вилоятида (16,9 фоиз) қайд этилди.

КАРТОШКА. Мазкур даврда, аҳоли томонидан картошка маҳсулотига юқори талаб сақланиб қолганиги сабабли истеъмол товарлари орасида картошка нархи энг юқори даражада ўсиши (33,9 фоиз) қайд этилди. Хусусан, энг юқори ўсиш Тошкент шаҳрида (64,8 фоиз), энг паст ўсиш Фарғона вилоятида (13,7 фоиз) қайд этилди.

Шу кунларда аҳоли орасида энг кўп муҳокама қилинган мавзу айрим озуқа маҳсулотларининг охириги кетганлиги бўлди, десак янглишмаймиз. Буни ижтимоий тармоқлардаги чиқишлар ҳам айтиб турибди. Албатта, озуқа нархларининг ўсишига халқимиз кўнигиб қолган.

НАРХЛАР ЯНА ОШМАСМИКАН...

Аммо бугунги пандемия кўплаб оилаларнинг молиявий аҳолига сезиларли таъсир қилгани бор гап. Шу боис, ҳар қандай маҳсулот нархининг охириги аҳоли томонидан айрим эътирозларга сабаб бўлди. Айниқса, кунлик истеъмол товарларининг охириги нисбатан шу ҳол кузатилди.

Бу борада Монополияга қарши курашиш қўмитаси томонидан сентябрь ойининг охириги ўн кунлигида ички бозорлардаги айрим турдаги истеъмол товарлари нархларининг кескин охириги бўйича ўрганишлар олиб борилиб, бунинг сабаблари эълон қилинди.

Унга қўра, ёғ, шакар ва тухум нархларининг охириги асосий сабаб этиб, импорт маҳсулотларининг нархи ўсганлиги билан изоҳланди.



Жумладан, кунгабоқар ёғининг чакана нархи сентябрь ойининг бошига нисбатан 11 500 сўмдан 15 000 сўмга (ўсиш 30 фоиз), шакар маҳсулотининг нархи 6 000 сўмдан 7 000 сўмга (ўсиш 15 фоиз), ҳамда парранда тухуми нархи 1000 сўмдан 1300 сўмга (ўсиш 30 фоиз) ошганлиги кузатилди.

Ушбу истеъмол товарлари хусусан, кунгабоқар ёғининг охириги сабаб, республикага импорт қилинадиган маҳсулотнинг асосий қисми Россия Федерациясига тўғри келган. Бу давлатда эса кунгабоқар ҳосили жорий йилда ўтган йилга нисбатан 12 фоизга кам бўлиши кутилмоқда. Бу эса ўз навбатида, маҳсулотнинг нархларида таъсир этди, хусусан, Россия бозорида нархлар ўртача 30 фоиз ошган.

Бундан ташқари, Россия ички бозорида маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун кунгабоқарнинг этишмаслиги сабабли маҳсулот экспортининг 4 йилга чеклангани масаласининг кўриб чиқиши ҳам маҳсулот нархларининг шаклланишига таъсир қилган.

Агар чиндан-да Россия ушбу чекловни амалиётга киритса, мамлакатимизда ёғнинг нархи яна охириги кузатилаётган экан-да?!

Шунингдек, шакар нархининг охириги ҳам кўшни давлатларда шакар этиштириш учун зарур бўлган қандлавлани хомашёсининг бу йилги ҳосилининг паст бўлиши кутилаётганлиги билан изоҳланган.

Бундан кўра, мана шу икки маҳсулотларнинг нархининг охириги ва табиий омиллар таъсир этган. Агар ҳулоса қиладиган бўлсак, мазкур маҳсулотларнинг ҳозирги нархи яна ўзгариши мумкин.

Халқимиз тухумни гўшт ўрнида ҳам истеъмол қилади. Шу боис, ҳар бир хонадон учун ёғ қанчалик зарур бўлса, тухум ҳам шунчалик муҳим.

Одатда ҳар йили куз-киш мавсумида тухумга бўлган талабнинг охириги натижасида бироз нархлар охириги кузатилди. Бироқ бу йилги ҳар йилдан вақтлроқ ошди. Ал-

батта, бунинг сабабларини ҳам Монополияга қарши курашиш қўмитаси келтириб ўтди.

Унга қўра, четдан келтирадиган парранда озуқа ва озуқа қўшимчалари, ветеринария препаратлари учун жорий йилнинг 1 октябридан қўшилган қиймат солиғи тўланади. Бу эса ўз навбатида, ушбу маҳсулотлар нархларининг 15 фоиз охириги олиб келишини инobatга олиб, бозор иштирокчилари ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда нарх белгиламоқда.

Бундан ташқари, валюта курсининг йил бошидан 8,5 фоизга кўтарилиши ҳам импорт кунгабоқар ва соя шротини ҳамда бошқа озуқавий қўшимчалар нархининг охириги таъсир қилган.

Шунингдек, "Паррандасаноат" уюммаси томонидан ўтказилган ижтимоий сўровлар натижаларига қўра жорий йилда аҳолининг истеъмол саватида тухумга бўлган талаб 12 фоизга ошганлиги ҳам маълум қилинган.

Қисқача айтганда, агар қиш келаётганини инobatга олсак, тухумга бўлган талаб янада ошадиган бўлади. Айниқса, истеъмолчилар мавсумий гамланадиган ва имунитетни кўтариш керак бўлган ҳозирга шароитда нархлар бекарорлиги табиий ҳол.

Б. МЕЙЛИЕВ

Пенсия жамғармасына жорий йилнинг 8 ойи мобайнида 11 969 та мурожаатлар келиб тушган бўлиб, 5 011 таси 41,8% и пенсия миқдорини кўриб чиқиш ва уни миқдорини ошириб бериш масаласига тегишли. Амалдаги қонунчиликка кўра, пенсия миқдори иш стажининг муддатига, ҳисобга олинган ўртача ойлик иш ҳақиға боғлиқ ҳамда пенсиянинг таянч миқдори, иш стажини учун пенсиянинг оширилиши, пенсияға қўшилаётган устама ҳақлардан таркиб топади. Пенсия жамғармасы рўйхатида турувчи 3 395 649 нафар пенсия олувчилар мавжуд бўлиб, уларнинг 97,6 % ининг пенсияси - пенсиянинг таянч миқдори ҳамда иш стажини учун пенсиянинг оширилишидан иборат.

ПЕНСИЯ МИҚДОРИ ҚАНДАЙ ШАКЛЛАНАДИ?



Пенсияларнинг таянч миқдорлари пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинаётган ўртача ойлик иш ҳақининг миқдоридан келиб чиқиб, қуйидаги фоизларда белгиланади:

Хусусан, ёшга доир пенсия учун — 55 фоиз (ёшга доир энг кам пенсиянинг камида 100 фоизи миқдоридан), I ва II гуруҳ ногиронларига ногиронлик пенсияси учун — 55 фоиз (ёшга доир энг кам пенсиянинг камида 100 фоизи миқдоридан), оиланинг меҳнатга лаёқатсиз ҳар бир аъзосига боқувчисини йўқотганлик пенсияси учун — 30 фоиз (лекин ёшга доир энг кам пенсиянинг камида 50 фоизи миқдоридан), ота-онасидан жудо бўлган (чин етим) болаларға ёки вафот этган ёлғиз онанинг болаларига, ҳар бир болага боқувчисини йўқотганлик пенсияси учун — 30 фоиз, лекин ёшга доир энг кам пенсиянинг камида 100 фоизи миқдоридан.

Пенсия тайинлашда талаб этиладиганидан ортиқча иш стажининг ҳар бир тўлиқ йили учун ҳам пенсияларнинг таянч миқдорлари пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинаётган ўртача ойлик иш ҳақининг миқдоридан келиб чиқиб, қуйидаги фоизларда оширилади. Яъни

- ёшга доир пенсиялар, I ва II гуруҳ ногиронларига ногиронлик пенсиялари — 1 фоиз миқдоридан;
- боқувчисини йўқотганлик пенсиялари оиланинг меҳнатга қобилиятсиз ҳар бир аъзоси учун — 0,5 фоиз миқдоридан оширилади.

Отасидан ҳам, онасидан ҳам жудо бўлган (чин етим) болаларға тайинланадиган боқувчисини йўқотганлик пенсияларини ошириш ота ва она иш ҳақларининг умумий миқдоридан келиб чиқиб, пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг ўн баробари миқдори доирасида амалға оширилади.

Масалан: эркак кишининг умумий иш стажини 36 йил, ўртача ойлик иш ҳақи 2 020 517,60 сўмини ташкил қилади шундан:

- пенсиянинг таянч миқдори 1 020 517,60 x 55% = 1 111 284,68 сўм,
- стаж учун ошириш — 2 020 517,60 x 11% (36 йил иш стажини—25 йил талаб қилинган иш стажини 11 йил ортиқча иш стажини) = 222 256,94 сўм,
- умумий пенсия миқдори 1 111 284,68+222 256,94= 1 333 541,62 сўмини ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикаси
Молия Вазирлиги ҳузуридаги
Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасы

КРЕДИТ МУДДАТИНИ ЯНА УЗАЙТИРИШ МУМКИНМИ?

Пандемия сабаб банклар томонидан мижозларға кредит таътили берилган эди, бироқ бугунға келиб ойлик тўланадиган сумма кўпайибди. Кредит муддатини ҳам узайтириш учун маслаҳат берсангиз?

— Карантин сабаб банкимиз томонидан юридик ва жисмоний шахсларнинг кредитларига беш ойлик (апрель-сентябрь) таътил берилган эди.

Мана шу беш ой давомида кредитини тўлашға имконияти етмаганлар тўламади. Бироқ бу дегани беш ойға умуман фоиз ҳам, кредит ҳам тўланмайди дегани эмас.

Масалан, сизнинг кредит тўловингиз график бўйича шу йилнинг декабрь ойида тугайди. Аммо сиз апрель-сентябрь ойларида тўламаганингиз сабабли кредит суммаси кўпайган. Чунки банк кредит тўлаш муддатига таътил берган, суммасиға эмас.

Агар кредит тўловини тўлаш имкониятингиз бўлмаса, кредит графикини узайтириш учун банкка мурожаат қиласиз. Керакли ҳужжатлар тўлиқ (кредит шартномаси, гаров ёки кафиллик



ва бошқа) ҳал бўлғач кредитингиз яна беш ойға узайтириб берилади.

Яъни Сиз эндиликда 2021 йилнинг январь-май ойларида ҳам кредит тўлайсиз. Аммо бир нарсани унутмаслик керак, беш ой кредит тўламаганингиз учун ҳеч қандай ортиқча пеня ҳисобланмайди

Сарвар ОЧИЛОВ

ЛОМБАРД САҚЛОВГА ҚЎЙИЛГАН ТИЛЛА ЗАНЖИРИМДАН ФЙДАЛАНИШГА ҲАҚИ БОРМИ?

ИСТЕЪМОЛЧИДАН САВОЛ:

— Ломбардға гаров сифатида тилла занжиримни бергандим.

— Ломбард сақловға қўйилган тилла занжиримдан фойдаланишға ҳақи борми?

МУТАХАССИС ЖАВОБИ:

— Ломбардлар шахсий истеъмолға мўлжалланган кўчар мол-мулкни заклад шаклида гаровға қабул қилиб, фуқароларға қисқа муддатли (уч ойдан ошмаган муддатға) кредитлар беради.

— Ломбард қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан ишларни қонунчиликда белгиланган тартибда бериладиган рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси асосида амалға оширишға ҳақли.

— Ломбард, паспорт ёки шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжат тақдим этилганда, фуқаролар билан шартномалар тузади.

— Ломбард, зарур бўлган ҳолларда, гаровға ёки сақлашға толширилаётган мол-мулкка эғалик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни ёки бошқа далилларни талаб қилиш ҳуқуқига эға.

— Ломбард томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун тариф ва нархлар фақат миллий валютада белгиланади.

— Ломбард томонидан қабул қилинган мол-мулк, ломбардға тегишли бўлган барча тўловлар қопланганидан сўнг эғасиға қайтарилиши мумкин.

— Ломбард гаровға ёки сақловға қўйилган ашёлардан фойдаланишға ва уларни тасарруф этишға ҳақли эмас.

Истеъмолчиларни ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Агентлиги

ТОШКЕНТ ТАРИХИДАГИ БИРИНЧИ ХУСУСИЙ БАНК ҚАЧОН ОЧИЛГАН?

Бундан 139 йил олдин, яъни 1881 йили Тошкентда биринчи хусусий банк — операциялар ўтказиш доираси чекланган, унча катта сармоёға эға бўлмаган кредит муассасаси — Урта Осий тижорат банки очилди.

1909 йилға қадар ушбу банкнинг асосий сармоёси 500 минг рублни ташкил қилган. Банк ҳеч қандай товар операцияларини ўтказмас эди. Урта Осий тижорат банки асосан фоизли қоғозлар ва векселлар ҳисоб-китоби билан боғлиқ операцияларни амалға оширарди.

Банкнинг ички тартибларига кўра 20 та акцияға эға бўлган акциядорлар йиғилишда 1 та, 300 та акция эғаси эса 5 та овоз-



ға эға бўлган. Йиғилишда бир акциядор кўп акцияға эға бўлиб, масалани ўз фойдасига ечиб олмаслиги учун ҳеч кимға 10 тадан ортиқ овоз бериш ҳуқуқи берилмаган. Банк ўз капиталини

кўпайтира олмагани сабабли 1911 йилға келиб тугатилган.

Алишер ЭГАМБЕРДИЕВ
тайёрлади
ЎЗА

“Солиқ маслаҳати соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” Президент қарори (ПҚ-4846-сон, 30.09.2020 й.) қабул қилинди.

МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ БИР ҚАТОР ФУНКЦИЯЛАРИ СОЛИҚ МАСЛАҲАТЧИЛАРИ ПАЛАТАСИГА ЎТКАЗИЛАДИ

Қарорга мувофиқ, 2021 йил 1 январдан Молия вазирлигининг қуйидаги функциялари Ўзбекистон Солиқ маслаҳатчилари палатасига ўтказилади:

- солиқ маслаҳатчисининг малака сертификатини олиш учун малака имтиҳонларини ўтказиш ва сертификатни бериш;
- солиқ маслаҳатчиларини ўқитиш ва уларнинг малакасини ошириш дастурларини тасдиқлаш;
- солиқ маслаҳатчиларининг реестрини юритиш.

Солиқ маслаҳатчиси адвокатлик тузилмалари, аудиторлик ташкилотларида ишлаган тақдирда, солиқ маслаҳати бўйича фаолиятда 3 йил

мобайнида иштирок этмаганлиги учун унинг малака сертификати амал қилишини тугатишга йўл қўйилмайди.

Қарорга кўра, Солиқ тўловчилар ихтиёрий тугатилганда солиқлар бўйича хулоса бериш ҳуқуқига эга бўлган солиқ маслаҳатчилари ташкилотлари рўйхати (Рўйхат) юритилади.

“Таваккалчиликни таҳлил қилиш” автоматлаштирилган ахборот тизими воситасида аниқланадиган, йиллик айланмаси охириги уч йил мобайнида 1 миллиард сўмгача бўлган солиқ тўловчилар (таваккалчилик даражаси юқори бўлган солиқ тўловчилар бундан мустасно) ихтиёрий тугатилганда рўйхатга киритилган солиқ



маслаҳатчилари ташкилотларининг солиқлар бўйича хулосалари солиқ органлари томонидан тан олинади.

2021 йил 1 январдан Тошкент давлат иқтисодиёт университети ва Тошкент молия институтининг “со-

лиқлар ва солиққа тортиш” ҳамда “бухгалтерия ҳисоби ва аудит” йўналишлари бўйича 4-курс бакалавриати ўқув дастурларига “солиқ маслаҳати” фани киритилди.

Finance.uz

“IXLOS INVEST” МЧЖ

Рўйхатга олиш рақами: ЎЗР МБнинг 2016 йил 8 октябрдаги № 75 сонли лицензия.
Юридик манзил: 100005, Тошкент шаҳри, Яшнабод тумани, Фарғона йўли кўчаси ТХАУ кесими 2-А-уй.

МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР Тўғрисидаги Ҳисоботи 2019 йил 31 декабрь ҳолатига			
КОД	ТАЪРИФ	Кўрсаткичлар	МИНГ СЎМ
1. ФОИЗЛИ ДАРОМАДЛАР			
110	40400	Банклардаги депозитлар бўйича фоизли даромадлар	0
120	42000	Жисмоний шахсларга берилган микроқарзлар бўйича фоизли даромадлар	1 540 101
160	44700+44900	Бошқа фоизли даромадлар	0
170		Жами фоизли даромадлар (110+120+160)	1 540 101
2. ФОИЗЛИ ХАРАЖАТЛАР			
210	50600	Жалб қилинган қарз маблағлари бўйича фоизли харажатлар	0
220	53101	Банклардан олинган кредитлар бўйича тўланиши лозим бўлган фоизли харажатлар	0
230	53105+53195+53196	Бошқа кредиторларга тўланиши лозим бўлган фоизли харажатлар	0
240	54400	Лизинг (микрولىзинг) бўйича фоизли харажатлар	0
250	54900	Бошқа фоизли харажатлар	0
260		Жами фоизли харажатлар (210+220+230+240+250)	0
310		3. КРЕДИТЛАР БЎЙИЧА КўРИЛИШИ МУМКИН БЎЛГАН ЗАРАРЛАРНИ БАҲОЛАШГАЧА БЎЛГАН СОФ ФОИЗЛИ ДАРОМАДЛАР (170-260)	1 540 101
320	56802+56842	Минус: Кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш	0
330		Кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарлар баҳолангандан сўнг соф фоизли даромадлар (310-320)	1 540 101
4. ФОИЗСИЗ ДАРОМАДЛАР			
410	45201	Хизматлар ва бошқа воситачиликтан олинган даромадлар	0
440	45900	Бошқа фоизсиз даромадлар	495 154
450		Жами фоизсиз даромадлар (410+440)	495 154
5. ФОИЗСИЗ ХАРАЖАТЛАР			
510	55106	Кўрсатилган хизматлар ва воситачилик харажатлари	57 197
520	55900	Бошқа фоизсиз харажатлар	12 521
530		Жами фоизсиз харажатлар (510+520)	69 719
600		6. ОПЕРАЦИОН ХАРАЖАТЛАРГАЧА СОФ ФОЙДА (330+450-530)	1 965 537
7. ОПЕРАЦИОН ХАРАЖАТЛАР			
710	56100	Ходимлар иш хақи ва улар учун қилинган бошқа харажатлар	275 561
720	56200	Ижара ва таъминот харажатлари	38 345
730	56300	Хизмат сафари ва транспорт харажатлари	0
740	56400	Маъмурий харажатлар	18 947
750	56500	Репрезентация ва хайрия	7 602
760	56600	Эскириш харажатлари	3 697
770	56700	Суурта, солиқ ва бошқа харажатлар	11 169
780		Жами операцион харажатлар (710+720+730+740+750+760+770)	355 320
800	56800-56802-56842	8. КРЕДИТЛАР БИЛАН БОғЛИҚ БЎЛМАГАН КўРИЛИШИ МУМКИН БЎЛГАН ЗАРАРЛАРНИ БАҲОЛАШ	0
900		9. ФОЙДА СОЛИГИ ВА БОШҚА ТУЗАТИШЛАРГАЧА БЎЛГАН СОФ ФОЙДА (600-780-800)	1 610 216
10. ФОЙДА СОЛИГИ			
1000	56902	Фойда солигини баҳолаш	196 124
1100		11. ТУЗАТИШЛАРГАЧА БЎЛГАН ФОЙДА (900-1000)	1 414 093
1110	Дт 31206 ёки Кт 31206	Фойдагача бўлган тузатишлар, соф *	0
1200		12. СОФ ФОЙДА (ЗАРАР) (1100+/-1110)	1 414 093

БАЛАНС ҲИСОБОТИ 2019 йил 31 декабрь ҳолатига			
КОД	ТАЪРИФ	Кўрсаткичлар	МИНГ СЎМ
АКТИВЛАР			
10	10100	Кассадаги нақд пуллар ва бошқа тўлов ҳужжатлари	27 187
20	10500	Банкларга қўйилган депозитлар ва бошқа маблағлар	90 273
30	16300	Олиниши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар	87 508
50	12401+12405+12409+15701+15705	Кредитлар (микрокредит, микроқарз, истеъмол), брутто	
51	12499+15799	Минус: кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарлар захираси	
52		Кредитлар, соф (50 код - 51 код)	1 442 807
70	16500	Асосий воситалар, соф	20 230
80	16600	Номоддий активлар, соф	0
90	16701	Бошқа хусусий мулклар	
91	16799	а. Минус: Кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоллаш захираси	
92		б. Бошқа хусусий мулклар, соф (90 код-91 код)	0
100	19900+16400	Бошқа активлар	189 253
110		Жами активлар (10+20+30+52+70+80+92+100)	1 857 258
МАЖБУРИЯТЛАР ВА КАПИТАЛ			
МАЖБУРИЯТЛАР			
210	21400+21600	Тўланиши лозим бўлган кредитлар ва қарзлар	
220	22100	Лизинг бўйича мажбуриятлар	
230	22400	Тўланиши лозим бўлган фоизлар	
240	22500	Тўланиши лозим бўлган ҳисобланган солиқлар	3 017
250	22800	Муддати узайтирилган даромадлар	0
260	29800	Бошқа мажбуриятлар	16 445
270		Жами мажбуриятлар (210+220+230+240+250+260)	19 462
КАПИТАЛ			
310	30301	Устав капитали	950 000
320	30903	Умумий захира фонди	142 500
330	30905	Текинга олинган мулклар	0
350	31203	Тақсимланмаган фойда	0
360	30908	Бошланғич қийматга нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси	80
370	(40000-50000) +/- 31206	Жорий йил фойдаси (зарар)	745 216
380		Жами капитал (310+320+330+350+360+370)	1 837 796
390		Жами мажбуриятлар ва капитал (270+380)	1 857 258

Молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги “FTF-LEA-AUDIT” МЧЖ аудиторлик компанияси (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2019 йил 1 апрелдаги № 00747-рақамли лицензиясига эга) томонидан тасдиқланган ва барча муҳим жиҳатлари бўйича амалдаги қонун ҳужжатлари ва молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ тайёрланган. Юқорида келтирилган маълумотлар тўғрисидаги ахборот ташкилотнинг 2019 йил 31 декабрь ҳолати бўйича ҳисоботларининг тўғрилиги ҳақидаги аудиторлик хулосасида мавжуд.

Хизматлар лицензияланган.

ТАРАҚИЁТ МОДЕЛИ

КОРЕЙСЧА ЭПЧИЛЛИК ВА УДДАБУРОНЛИК

Биринчи тўлқин янги индустриал мамлакатлар иқтисодий модели

Иқтисодчи мутахассислар Жанубий Корея (Корея Республикаси)ни ҳам “Биринчи тўлқин янги индустриал мамлакатлар” гуруҳига киритадилар. Сабаби, улар деярли бир вақтда, бир хил суръатларда, бир хил шарт-шароит, имкониятлар даражасида, ўхшаш муаммоларни енгиб ривожланишнинг янги палласига, янги моделига кириб келдилар.



Бу гуруҳ мамлакатлари ривожланиш моделида ўхшаш тамойиллар кўп бўлишига қарамасдан, алоҳида ўзига хос хусусиятларга ҳам эга. Бу хусусиятлар табиий географик жойлашув, ишлаб чиқарувчи кучлар таркиби, ўз олдига қўйган мақсад ва вазифалар, маҳаллий аҳоли менталитетидан келиб чиқади. Корея Республикасининг жаҳон мамлакатлари орасидаги ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб, уни биринчи тўлқин янги индустриал мамлакатлари (Сингапур, Тайвань, Гонконг)дан алоҳида кўриб чиқишни лозим топдик.

Корея Республикаси 2011 йилда ялпи ички маҳсулотни харид қобилияти паритети бўйича ҳисоблаганда, жаҳонда ўн иккинчи (1,554 млрд. доллар), номинал ялпи ички маҳсулот бўйича (1,164 млрд. доллар) ўн бешинчи ўринни эгаллади. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот 31 700 долларга етди. Ваҳоланки, 1963 йилда бу кўрсаткич 100 доллар атрофида эди. ЯИМнинг 3 фоизи қишлоқ ҳўжалигида, 39,4 фоизи саноатда, 57, 6 фоизи хизмат кўрсатиш соҳаларида яратилмоқда. Меҳнатга яроқли аҳолининг 7 фоизи қишлоқ ҳўжалигида, 23,6 фоизи саноатда, 69,4 фоизи хизмат кўрсатиш соҳаларида иш билан банд. Глобал молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётган ҳозирги паллада ҳам инфляция (4,1 фоиз), ишсизлик (3,4 фоиз) нисбатан паст даражада сақланиб турибди. Жанубий Корея фаол савдо балансида эга (экспорт – 558,8 млрд., импорт – 525,2 млрд. доллар). Олтин-валюта захиралари ҳам кам эмас (320,1 млрд. доллар).

Бу каби олдинги марраларга эришиш осон кечмади, албатта. Мамлакат Корейс ярим оролида бўлиб ўтган уруш ва унинг оқибатларидан катта зарар кўрди. У икки қисмга бўлиниб, аграр Жануб ва индустриал Шимол ўртасидаги алоқалар узилди. Металлургия, кимё саноати тармоқлари шимолда, енгил ва озиқ-овқат саноат корхоналари эса жанубда жойлашган эди. Корея уруши мамлакат иқтисодиётини бутунлай издан чиқарди. 50-йилларнинг охирида ишсизлик даражаси 36 фоиздан ошиб кетган эди. Аҳоли даромадлари жуда паст даражага тушиб, ўлка дунёнинг энг қашшоқ аграр мамлакатларидан бирига айланаб қолган эди.

Жанубий Кореяда иқтисодий жонланиш 60-йилларнинг бошидан, анкироги, ҳокимият тепасига Пак бошқаруви келган даврдан, яъни 1961 йилдан янги ривожланиш стратегиясига ўтган вақтдан бошланди. Бу амалда янги ўзига хос тараққиёт модели томон бурилиш эди. Энди жамият иқтисодий ҳаётида давлат сезиларли роль ўйнай бошлади. Режали иқтисодиёт унсурлари – беш йиллик режалар асосида жорий қилина бошланди. Ҳукумат чет эл инвестицияларини жалб

қилиш, экспорт ҳажмини ошириш, иқтисодиётни индустриаллаштириш каби тадбирларни рағбатлантирди. Иқтисодиётнинг оғир саноат секторини ривожлантиришга ургу берилди.

Аммо ҳали ҳам корейс моделининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи инвестициялар, аҳоли ва ишчи кучи иш кунининг нисбатан узунлигида эди. Бу кўпроқ экстенсив ўсиш моделига хос йўлда: электроника, автомобилсозлик, кимё, кemasозлик, пўлат куйиш, тўқимачилик, озиқ-овқат саноатнинг асосий тармоқларига айланди. 80-йилларнинг бошида ҳукумат кенг миқёсда ислохотни бошлади. Инфляцияни жиловлаш мақсадида давлат харажатлари камайтирилди, қатъий фискал тадбирлар ўтказилди. Пул масаласининг ўсиши 70-йиллардаги 30 фоиздан 15 фоизга чекланди. Бюджет музлатилди. Кенг миқёсда либерализация ўтказилди, харажатлар пастаитрилди, ҳукуматнинг иқтисодиётга аралашуви камайтирилди. Чет эл инвестициялари учун эркин шароитлар яратилди. 80-йилларнинг охирига келиб ички бозор иқтисодий ўсишнинг асосига айланди. Аҳоли харид қобилиятининг ўсиши билан автомобиль ва бошқа қимматбаҳо маҳсулотларга талаб ўсди.

Бу тадбирлар ўз навбатида, фаолиятнинг турли соҳаларида интенсив иқтисодий ўсишнинг манбаи бўлиб хизмат қилди. 1980-2004 йилларда экспортнинг улуши машиналар ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш ҳажмида 38 фоиздан 64 фоизга, транспорт воситаларида 5 фоиздан 33 фоизга етди (Қаранг: “Вопросы экономики”, М.: 2012, №4, -С.129.). Табиийки, бу турдаги маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини оширмасдан туриб бу қадар натижаларга эришиб бўлмас эди. Шу мақсадда корейс корпорациялари – чеболлари (Chaebol) ташкил этилди ва кўллаб-қувватланди. Улар амалда янги замонавий технологияларни яратиш, ўзлаштириш, маҳаллий шароитга мослаштиришнинг асосий марказлари эди.

Чеболларнинг ташкил этилиши мамлакат экспорт салоҳиятини ошишини таъминлади. Бу компаниялар гуруҳи савдо, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш билан шуғулланиб, ҳозир ҳам иқтисодиётда устунликка эга. 80-йилларнинг охирида тўртта йирик корейс чеболанинг даромадлари 80,7 млрд. доллар бўлиб, ялпи миллий маҳсулотнинг учдан икки қисмини ташкил этди. Мазкур ўн та йирик чеболларга барча банк кредитларининг 30 фоизи, мамлакат экспортининг 66 фоизи тўғри келади. Бешта йирик чеболда мамлакат меҳнат ресурсларининг 8,5 фоизи ишлади, саноат ишлаб чиқаришининг 22,3 фоизи яратилди.

Шукур Жаббор тайёрлади.
(Давоми кейинги сонда)

Яқинда Oxford Economics тадқиқотчилари 162 та халқаро компания ўртасида сўровнома ўтказди. Уларнинг баҳосига кўра, келгуси икки йилда иқтисодий инқироз юз бериши эҳтимоли ўртача 20 фоизга тенг.

“МОЛИЯВИЙ ТАРМОҚДАГИ КАТТА МУАММО – КЎП КРЕДИТЛАРДИР”


Бу эса жаҳон бўйича Covid-19 пандемияси оқибатида юзага келадиган иккинчи тўлқин таваккалчиликдан икки қарра кўпдир. Бундан ташқари, тез орада самарали вакцина юзага келиши эҳтимоли ҳам юқори даражада эмас. Бу хавотирлар эса реал оқибатларга олиб келди: унинг таъсирида ишбилармонлик кайфиятининг даражаси тушиб кетмоқда.

Бу инвесторларни чўчитиши лозим, гарчи молиявий инқироз айнан ҳозир юзага келиши амри маҳол. Ҳар ҳолда бу инқироз 2008 йилдагидек бўлмаслиги мумкин. Ҳозирда бу таваккалчилик икки омил туйфайли пасаиди.

Биринчидан, АҚШ Федерал заҳира тизими ва бошқа марказий банклар пандемия шароитида бозорни кўллаб-қувватлаш учун “қўлдан келган барча ишни қилиши”ни қайд этди. Март ойидаги ҳолатлар бунга бунга гувоҳлик беради: Америка ғазнасидида облигациялар бозори қотиб қолганда ФЗТ у ерга катта оқимдаги ликвидликни жўнатди.

Иккинчидан, ҳозирги иқтисодий бурилишлар банклар билан боғлиқ ҳолда юз бермапти. АҚШда банкларнинг капиталлашуви 2008 йилга нисбатан юқори даражада турибди.

Бироқ асосий ҳолат шундаки, доимий давом этаётган тушкунлик иқтисодиётни сустлаштириб қўйиши мумкин, буни Жақсон сўровномаси иштирокчилари ҳам тасдиқлайди. Жаҳон банкининг бош иқтисодчиси Кармен Рейнхарт фикрига кўра, молиявий тармоқдаги катта муаммолардан бири Covid-19га қадар ҳам кўп кредит берилганлиги билан боғлиқ.



Бундан ташқари, Covid-19 туйфайли кредит бўйича эҳтимолий зарарларнинг кўламини аввалгидек ҳисоблашнинг имкони йўқ. Айниқса, пандемия ҳолати давом этаётган айна пайтда кредитдан кўриладиган зарар ҳажми ошиб бориши эҳтимоли катта.

“Гарчи банклар инқироз манбаси ҳисобланмаса-да, улар оқибатлардан қочиб қутула олмади, — деди Халқаро ҳисоблар банки бош иқтисодчиси Хен Сон Шин. Инқирознинг ликвидлик фазаси тўловбардошлилик фазасига ўрин алмашмоқда ва шубҳасиз, банклар зарба остида қолади”.

Американинг йирик банклари мавжуд вазиятда ишлаш учун захираларини кўпайтирди. Бироқ Кармен Рейнхарт Ҳиндистон ва Италия сингари давлатлардаги банклар камроқ тайёргарлик кўрганидан хавотирда. Бундан ташқари, ўта паст фоиз ставкалари банкларнинг фойдасини камайтиради.

Бошқа муаммо шундаки, юзага келиши мумкин бўлган ҳолат ҳақида тасаввур бўлмаганидан кейин келажакдаги таваккалчиликни таҳмин қилиб бўлмапти.

Бироқ инвесторлар қуйидагини ёдда сақлашлари лозим: агар кредиторлар дефолтнинг яширин ўсишига эътибор қаратадиган бўлса, шунингдек, бўлажак силкинишлардан хавотирланса, марказий банкларнинг сиёсатига қарамай, кредитлаштириш шароитлари кескинлаштирилиши мумкин.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

ИНВЕТОРЛАР УЧУН ЯРИМ ЙИЛЛИК ПАНДЕМИЯ САБОҒИ

Марказий банклар билан курашиш фойдасиз, лекин инфляциянинг қайтиши янги имкониётларни очади.



Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкilotи коронавирус тўлкини юзага келгандан кейин пандемия ҳолатини эълон қилганига олти ой бўлди. Инвесторлар тегишли хулоса чиқариши учун етарлича вақт ўтди. Дунёни шунчаки иккига бўлиш — технологик тармоқ ва қолган бошқалар ёхуд Уолл стрит ва бошқа дунё — ўрнига Covid-19нинг илк босқичидан хулоса чиқариш мақсадга мувофиқ.

Шуниси аниқки, марказий банклар ва ликвидлик оқими билан курашишнинг фойдаси йўқ. Динамик савдо тарафдорлари — мунтазам қимматлашадиган активлар харидини амалга оширганлар ютмоқда. Бу стратегия айниқса ўсиш истиқболига эга, шунингдек узоқ муддатли облигацияларга эга компанияларга нисбатан қўл келмоқда. Активларнинг шундай уйғунлиги оширишга бўлган ўйинни назарда тутмайди. Сабаби бу ҳолат иқтисодийни қайта тиклаш ва инфляция босим бўйича қилинадиган башоратни хиралаштиради.

Ақсича, Covid-19 бозори сановат, энергетика, транспорт, молия сингари соҳалар даги арзон нархлар ортидан қувиб, узоқ муддатли облигациялардан воз кечган инвесторларга омад олиб келмади.

КУТИШГА ТЎҒРИ КЕЛАДИ

Айни пайтда иқтисодий ўсиш ва инфляция тикланишига умид қилган инвесторлар кутиб туришига тўғри келади. Федерал захира тизимининг сўнгги башоратига кўра, фоиз ставкалари 2023 йил якунига қадар минимал даражада қолиши мумкин. Шунингдек, Америка МБ фикрига кўра, ўша вақтга бориб базавий инфляция 2 фоизга етиши, ишсизлик ҳам 4 фоизга тушиши ҳам амри маҳол. Бу эса юқори ставкаларга қайтишни қийинлаштиради.

Ижобий томони шундаки, истеъмолчилар ҳам, компаниялар ҳам захира йиғишда давом этмоқда. Яъни қачонлардир сарфлаши кутиладиган пулларни жамғаришга оdatланишди. Хусусий мулк бозори ҳам пандемия туфайли силжаша эришди. Аксарият одамлар яшаш майдонини кенгайтиришга киришиб кетди.

Morgan Stanley Wealth Managementнинг Бош инвестициявий директори Лиза Шалетт АҚШда сўнгги 15 йилдаги энг "фаол" уй бозори юзга келганини таъкидлади.

Шунингдек, инвесторларга марказий банкларнинг салоҳиятига эътибор қаратиш тавсия этилди. Фоиз ставкалари ноль даражага тушиб қолганини инобатга олиб, иқтисодий яна суллашган тақдирда истиқболда рағбатлантириш чоралари қўлланилиши эҳтимол кам. Эҳтимол, келажакда рағбатлар монетар сиёсат

эмас, балки фискал сиёсат билан боғлиқ бўлиши керак.

Бироқ Лиза Шалетт сўнгги ўн йилликда "банк ва уй хўжалиқларининг қарз маблағлари улуши қисқариши" ҳисобига инфляция босимнинг йўқолганига ургу берди. Америка облигациялари бозорининг инфляцияга нисбатан кутиси сўнгги ўттиз йилдан буён 1,75 фоиз даражасида қолмоқда. Бироқ ҳатто бу кўрсаткич 2 фоиздан ошса ҳам молиявий бозорларни титратиб юбориши мумкин. Бунда қайта баҳоланган технологик акциялар ва узоқ муддатли облигациялар хўжайинлари сарсон бўлиши мумкин.

ЯНГИ ҲАЁТГА КЎНИКИШ ШАРТ

"Инфляциянинг қайтиши" билан боғлиқ бозордаги машамалар кучайиши ва кўплаб инвесторлар томонидан кескин норозиликларга сабаб бўлиши мумкин эди. Ҳозирда-ноқ айрим хавотирлар ҳам йўқ эмас.

Absolute Strategy Research ҳаммуассиси ҳисобланмиш Ян Харнет аксари мижозлар тез ўсадиган акцияларнинг катта улушига эга портфелларга салбл таъсир кўрсатиши ёки йўқлиги билан қизиқмоқда. У, шунингдек, кўплаб одамлар кучли иқтисодий ўсиш ва инфляциядан ҳимояланишга интилаётганини қайд этди. Масалан, хомашё маҳсулотларини ишлаб чиқараётган ривожланаётган бозор ёки компаниялар иштироки ҳисобига бундай интилиш кучаймоқда.

Айни пайтда, эҳтимол, ишлаб чиқаришнинг глобал ҳажми ҳақиқатдан ҳам 2021 йил ва ундан кейинги йилларда кутилгандан тезроқ ўсиши тахмин қилинмоқда. Технологик ва молиявий акцияларнинг баҳолаш қиймати ўртасидаги фарқ сўнгги 20 йилдаги максимум даражага етди. Шубҳасиз, банклар олдида кўплаб муаммолар мавжуд. Жумладан, ишончсиз қарзларнинг ўсиши каби муаммо ҳам йўқ эмас. Бироқ бу тармоқдаги капитал ҳажми 2088 йилга нисбатан кўпроқ. Харнет таъкидлашча, банклар "инфляция таваккалчилик кучайиб бораётган шароитда капиталларни бошқариш бўйича компаниялар учун яхши ҳимоя" вазифасини ўтамоқда. Иқтисодий, компаниялар ва уй хўжалиқлари Covid-19 шароитида ишлаш ва яшашни ўрганишига қараб инвесторлар ўз ҳаракатини амалга ошириши лозим.

Бугунги кунда, узоқ муддатли облигациялар ва акциялар сингари активлар, (айримлардан ташқари) орта қолганлар сирасига кирмоқда. Бироқ улар учигна тайёр турибди, инвесторларга портфелларини тузатиш имконини бермоқда.

Refinitiv томонидан ўтказилган сўровнома натижасига кўра, таҳлилчилар III чорақда Американинг Citigroup ва Wells Fargo банк гуруҳлари (актив ҳажмлари бўйича 3 ва 4-ўринда турувчи) соф фойдаси ўтган йилнинг мос даврига нисбатан тахминан 60 фоиз қисқарди. JP Morgan Chase ва Bank of America даромади (1 ва 2-ўринда турувчи) 30 фоиз камайди. Таҳлилчилар капитал бозор ва инвестициявий банкинг тармоғидаги даромад 5–20 фоизга ошган бўлишига қарамай, бу маблағ кредитлаштириш ва қимматли қоғозлар билан юриталидаган амалиётлар соҳасидаги камайган даромаднинг ўрнини қоплашга етарли даражада бўлмаслигини таъкидламоқда.

БАНК ХОДИМЛАРИ СОНИ 70 000 НАФАРГА ҚИСҚАРДИ

"Имтиёзли кредитлаштириш ҳажми ошмоқда, банклар эса барибир жорий йилда АҚШ Федерал захира тизимининг агрессив сиёсатидан жабрланади", — дейди Reuters агентлигига Barclays банкининг таҳлилчиси Жейсон Голдберг. Ҳатто Goldman Sachs Group ва Morgan Stanley инвестициявий банклари, капитал бозори билан ишлашга ихтисослашган бўлиб, барибир III чорақдаги даромадлари 5–10 фоизга камайиши ҳақида эълон қилиши кутилмоқда. (Барча банкларнинг ҳисоботи октябрь ойи ўрталарида чоп этилади).

I ва II чорақдаги каби кредитлар қайтарилмаган тақдирда қопланиши учун зарур бўладиган катта ҳажмли маблағларни захира сифатида олиб қўйишмаганда ҳам Америка банкларининг III чорақдаги даромадлари камайиб кетди. Сентябрь ойида ФЭТ эълон қилишича, 2020 йилда АҚШ ЯИМ кўрсаткичи июнь ойида тахмин қилинганидек 6,5 фоиз эмас, балки 3,7 фоизга қисқариши мумкин. Башоратнинг яхши томонга ўзгариши банкларга захирани кўпайтирмамаслик имконини берди. ФЭТ маълумотига кўра, мамлакатнинг йирик банкларидаги истеъмолчилик кредитлаш ҳажми III чорақда 3 фоизга камайган. Ҳозирги вақтда ФЭТ асосий ставкаси 0,25 фоизга тенг, бир йил аввал эса бу улуш 2,25 фоизга тўғри келганди.

Кредитлаштириш ҳажмининг қисқариши ҳамда иқтисодий вазиятдан хавотирланаётган америкаликларнинг омонатлари ҳажми ўсиши банклардаги пул маблағларининг кўпайишига олиб келди. Уларнинг соф фоиз даромади (пулларнинг қиймати билан кредитлар бўйича даромад ҳамда қимматли облигациялар ўртасидаги фарқи) сўнгги 35 йилдаги минимал даражага тушиб қолди, дейилади Goldman Sachs маълумотларида.

даражада эмас. Credit Suisse вакили Томас Готтштейн кутганидек, хусусий мижозларнинг шахсий капиталини бошқариш бўйича бўлимидаги суллашув хомашё маҳсулотлари билан операциялар бўйича бўлимдаги ўсиш ҳисобига билинмай кетиши мумкин.

Айни пайтда, Bloomberg агентлиги хабар беришича, Goldman Sachs тахминан 1 фоиз ишчи ўрнини қисқартириш ҳақида эълон берган, бу эса деярли 400 нафар ишчини ишдан бўшатиш кераклигини билдиради. Коронавирус инфекциясининг илк тўлкини юз берган баҳор фаслида Американинг йирик банклари жорий йилда ишчи ўрнини қисқартирмастик ҳақида ваъда берган эди. Бироқ иккинчи тўлқин таҳдиди ва иқтисодийнинг кутилганидан секинроқ суръатда қайта тикланиши уларнинг ваъдага вафо қилмаслиқларига сабаб бўлди. Улар ҳам секинлик билан бўлсада, иш ўрнини қисқартириш ишларини бошлаб юборишди.

JP Morgan Chase июль ойи ўрталарида 100 га яқин иш ўрнини, Citigroup эса сентябрь ойи ўрталарида дунё мамлакатларидаги жами 204 000 нафар ишчининг деярли 1 фоизини қисқартириши ҳақида маълум қилди.


Bloomberg маълумотига кўра, 2020 йил ўн ойи давомида банк соҳасида жами 67 844 нафар ходим ишсиз қолиши мумкин. Яъни жаҳон бўйича 30 та банкда қисқартириш ишлари бошланган. Хусусан, Европадаги Intesa Sanpaolo банки 30 сентябрь кун қасаба уюшмаси кўмитаси билан 5000 га яқин ходимнинг ўз хоҳиши билан ишдан бўшишига рози бўлиши бўйича келишувга имзо чеккан. Ўтган ҳафтада Испаниянинг Bancode Sabadell банки Буюк Британиядаги бўлимидаги 900 ишчи ўрнини камайтириш ҳақида эълон қилган.



Европадаги банк тармоғида ўхшаш ҳолат кузатилмоқда. 22 сентябрда Bank of America томонидан ўтказилган дунёнинг молиявий ташкилотлари раҳбарлари анъанавий конференциясида Европанинг айрим йирик банклари вакиллари III чорақдаги натижаларга боғлиқ аралаш башоратини қайд этиб ўтди. Хусусан, Германиянинг Deutsche Bank банки молиявий директори Жеймс фон Мольтке таъкидлашча, инвестициявий банкинг бўлимидаги ишлар ёмон эмас, чакана хизматлар бўлимида эса ҳолат Европа мамлакатларидаги паст ва хатто манфий ставкалар туфайли мақтанарли

Бугунги кунда Европадаги банкларда 53 000 нафар ходим ишдан бўшатирилган бўлиб, уларнинг 35 минг нафари — бу Буюк Британиядаги HSBC Holdings банки ходимлари бўлган. Бу банк февраль ойидаёқ 4,5 миллиард АҚШ долларлик харажатни қисқартириш дастурини ишга туширишга ҳақида эълон қилганди. Bloomberg башорати-га кўра, 2020 йил давомида жаҳоннинг банк тармоғида 80 000 нафар ишчи ўрни қисқариши мумкин. Бу эса ўтган йилги кўрсаткичдан анча юқоридир ва 2015 йилдаги рекорд кўрсаткичдан ўзиб кетади.

МАТЕМАТИКАДА ҚАЙСИ МАМЛАКАТЛАР КУЧЛИ?



1. Шарқдан ҳикоя

Шарқда шולי кўп минг йиллардан бери етиштирилади. Жанубий Осиёнинг барча мамлакатлари – Япония, Корея, Сингапур, Тайван шולי етиштириш усулларини Хитойдан ўзлаштириб олишган.

Бугдой далаларидан фарқли ўлароқ, шולי далалари тозаланмайди, улар “барпо этилади”. Дарахтлар ва буталарни кўпориш, тошларни йиғиштириш ва далани шудгор қилишнинг ўзи етарли эмас. Шולי далалари тоғ ёнбағирларида жимжимадор ўйиқларнинг поғонали шаршараси шаклида ўйилади ёки бутқоқликлар ва дарё ёнларида тер тўкиб барпо этилади.

Даланинг ўзи лойдан иборат йўғон қатламга эга бўлиши шарт, акс ҳолда сув дарҳол ерга сингиб кетади. Лойга шולי экиб бўлмайди, демак, унинг устига қалин қилиб балчиқ ётқизишлиши лозим. Лой қатлами ўта текис бўлиши шарт, акс ҳолда сув даланинг уч четидан бу четига оқиб кетади ва экиннинг бир қисми сув остида қолади, бошқа томони сувсизликдан қурийд. Шолини доимо озиклантириб туриш лозим. Бунинг ўзи ҳам санъат. Деҳқонлар анъанавий тарзда органик чиқиндилардан ва куйдирилган гўнган, дарё балчиғидан ёки наша ўсимлигидан фойдаланганлар. Озуқани ўз вақтида ва эҳтиёт бўлиб қўллаш керак, унинг ортиқчаси ҳам, етишмай қолиши ҳам зарарлидир.

Шоли экиш пайти келганда, деҳқонлар шолининг ҳосилдорлиги, тезлишарлиги ёки қурғоқчиликка чидамлилиги билан фарқланадиган юзлаб навларидан танлаб олишлари мумкин. Ҳосилсиз қолмаслик учун деҳқонлар бир вақтнинг ўзида бир неча навларни экишади ва, бунинг устига, ҳар йили турлича таркибда алмашлаб экишади. Шולי донини ўстириб, кейин уларнинг ёш кўчатларни ерга текис қатор қилиб 15 сантиметр ораликда экишади ҳамда ҳаққоний ғамхўрлик билан парваришлайди.

Уларни қўлда, ҳар куни ва тиришқоқлик билан ўтоқ қилиш зарур, чунки бошқа ўсимликлар ёш мурғак кўчатларни сиқиб қўйиши мумкин. Баъзида ҳар бир кўчатга алоҳи-

да бамбукдан бўлган тароқ билан ишлов берилади. Шу тариқа зараркунанда хашаротлар йўқ қилинади. Айни пайтда деҳқонлар мунтазам ва кўп марта сув даражасини текшириб туришлари ва сув қуёш нури остида қизиб кетмаслигини кузатишлари керак.

Жанубий Осиёда нонуштага конжи – оқ гуручдан бўлган сутчўп салатли бўтқа, ниш урган бамбук кўчати ва балиқдан бўлган паштетни тановул қилишади. Тушликка ҳам конжи тановул этилади. Кечки овқатга ҳам гуручи қайла билан ёйилади.

Бу улкаларда гуруч бойлик ва мартабанинг мезони ҳисобланади. У ҳар бир куннинг ҳар бир иш сонияларини белгилайди.

2. Ғарбдан таҳлил

Америкалик олимлар билиб қолдиларки, осиеликлар математикани яхши ўзлаштирадilar. Хитойлик, Жанубий корейлик ва япониялик талабалар, шунингдек, бу мамлакатлардан яқинда келган иммигрантларнинг болалари ғарблик тенгдошларига нисбатан математикани осон ва тез ўзлаштирадilar. Математикада осиеликлар шубҳасиз биринчилардан, уларнинг муваффақияти муқаррар жуда кўплаб тадқиқотчилар жавоб беришга уринган саволга жавобни талаб қилади. Нима учун шундай?

Математикадан истеъодлилики илдиларини ахтарганда, одатда интеллектга мурожаат қилишади. Биз ғайришуурий тарзда шунга ишонамиз: мураккаб ҳисоб-китоблар ва олий математика буюк ақлни талаб қилади. Мана, шунинг учун биз осиеликларнинг математикага қобилияти кучлилигини уларда қандайдир туғма когнитив устуворлик борлиги туфайли деб тахмин қилишга уринамиз. Бироқ бу унақа эмас. Математика бўйича истеъод фақат когнитив қобилиятларга боғлиқ эмас. У кўп жиҳатдан маданият билан боғлиқдир.

Станислас Дехэйнинг “Рақам ҳиссиёти” (Number Sense) асарида бу ҳақда шундай ёзилди: “Хитойларнинг рақамларни англлатувчи сўзлари жуда қисқа. Уларнинг аксариятини чорак сония ичида талаффуз қилиш

мумкин (мисол учун, 4 — бу „си“, 7 — „ки“). Инглизча эквивалентлари узунроқ: „four“ ва „seven“. Уларни талаффуз қилишга учдан бир сония вақт кетади. Сўзларнинг узунлигидаги таъкидланган фарқ, аёнки, инглиз тилида гапирадиганлар ва хитой тилида гапирадиганлар хотирасининг ўзига хосликларини тушунтиради. Валлийча, инглизча, арабча, хитойча ва иврит сингари ҳар хил турдаги тилларда рақамларни талаффуз қилишга сарфланадиган вақт ва тил соҳибларининг хотираси ҳажми ўртасида такорланадиган нисбат кузатилади. Мазкур мезон бўйича хитой тилининг катон шеvasи биринчи ўринга чиқади, унинг қисқалиги туфайли Гонконг аҳолиси ўзларининг рақамларини эслаб қолиш бўйича ноёб хотиралари билан мақтанишлари мумкин”.

Йигирмадан юқори сонларни ясада инглизлар ўнликларни биринчи ўринга ва бирликларни иккинчи ўринга қўяди: “twenty one” (йигирма бир), “twenty two” (йигирма икки). Бироқ ўн бирдан то ўн тўққизгача бўлган сонлар бошқача ясалади. Аввал “бирликлар келади”, кейин “ўнликлар” келади: “fourteen”, “seventeen”, “eighteen”. Бу ғалати эмасми? Хитой, япон ва корейс, турки тилларда ҳаммаси бунақа эмас. Уларнинг ҳисоб тизими мантиқийлиги билан ажралиб туради. Ўн бир – бу ўн-бир, ўн икки – ўн-икки, йигирма тўрт – икки уну тўрт ва ҳоказо.

Бу тафовут осиелик болаларга иккита устуворлик беради. Биринчидан, улар жуда эрта санашни ўрганадилар. Тўрт ёшли осие бўласи 40 гача санай олади. Америка болалари бу ёшда 15гача санай оладилар, фақат беш ёшда улар 40 гача санашлари мумкин. Бошқача айтганда, мазкур осиелик математик кўникмада америкалик болалар осиелик тенгдошларидан аллақачон бир йилга орқада қоладилар.


Иккинчидан, осиелик болаларга осиелик арифметик амалларни, масалан, қўшишни бажариш осонроқ. Етти ёшли инглиз боласидан миясида ўттиз еттига йигирма иккини қўшишни сўранг. У аввал сўзларни сонларга айлантиради (37 + 22) ва фақат кейин қўшишни амалга оши-


ради: 2 плюс 7 тенг тўққиз, 30 плюс 20 тенг 50, биргаликда 59 чиқади. Осиелик болани уч ўнлик етти ва икки ўнлик иккни қўшишни сўрангиз унинг миясида аллақачон сўзларнинг ўзидаёқ жамланган тайёр ечим: беш ўнлик тўққиз пайдо бўлади.

“Осие ҳисоблаш тизими шаффофдир, — дейди Осие ва Ғарб ўртасидаги фарқларни ўрганиш билан шуғулланадиган Шимолий-Ғарбий университет психологи Карен Фьюзон. — Ўйлайманки, бу математикани ўрганишда буткул бошқача ёндошувни шарт қилиб қўяди. Қуруқ ёдлаш мантиғи англашга имкон берадиган тизим билан алмашади. Мен бу тизимнинг оқилона эканини тушунаман. Касрлар билан ишларканмиз, биз бешдан уч деймиз. Хитойликлар бевосита шундай дейишади: “беш қисмдан учтасини олинг”. Тушунча даражасида мазкур тил шакли сизга дарҳол каср нима эканини тушунтиради ва сурат ҳамда махражнинг ўзаро нисбати қандайлигини англайди”.

Фьюзоннинг фикрича, бизга, катталарга, у қадар салмоқли кўринмаган бу фарқлар математика алифбосини ўрганаётган олти, етти ва саккиз ёшли болалар учун жуда катта аҳамиятга эгадир. Ғарб мактабининг ўқувчиларида математикага нисбатан ўсиб бораётган нафрат илк бор учинчи ёки тўртинчи синфда пайдо бўлади, тахмин қилиш мумкинки, майли қисман бўлса-да, бунинг сабаби математикада маъно ва мантиқнинг йўқлигидадир. Унинг лингвистик тизими жуда ҳам ҳайбатли, осиелик қоидалари эса ғайририхтиёрий ва чалқашдир.

Осиелик болалар бундай машғулотлардан озоддирлар. Улар мияларида кўпроқ сонларни ушлаб қола оладилар, арифметик ҳисобларни тезроқ амалга оширадilar, уларнинг тилларида касрлар берилган сўз шакллари эса касрларнинг ички моҳиятига мувофиқ келади. Эҳтимол, бу ҳолат уларда математикага муҳаббатни уйғотади; эҳтимол, бу математикага биров катта муҳаббат уларни тиришқоқлик билан шуғулланишга, кўпроқ дарсларда қатнашишга ва уй вазифаларини оғринмасдан бажаришга ундайди ва ҳоказо. Боши





(Бошланиши 10-саҳифада)

ва охири йўқ айлана ҳосил бўлади. Математикага нисбатан уларда тайёр устуворлик бор, бу устуворлик алоҳида олинган осиелик боланинг интеллектига боғлиқ эмас. Шунчаки уларнинг тиллари муайян турдаги интеллектуал жумбоқларни ечишга мослашган. Бу шарқнинг маданий меросидир.

3. Меҳнатга ишониш – гўзал ахлоқдир

Америкалик олим ва ёзувчи Малком Гладуэлл эътиборни шולי далаларига қаратади. Агар математик қобилиятларга шולי етиштириш таъсирида шаклланган маданиятга дахлдорлик таъсир кўрсатган бўлса-чи?

Шоли далаларига қарасанг – фақат энг ўртасида туриш керак. Унинг ўлчами ҳаммада катта таассурот қолдиради. У жуда кичкинадир. Шоли майдонининг ўлчами, қоида тариқасида, гектарнинг ўн бешдан биридир. Бу меҳмонхонадаги битта хонасининг ўлчамидир. Одатий осиелик шоли даласининг ўлчами йигирма сотихдан ортқ бўлмайди.

Ғарбнинг агромаданияти автоматлаштиришга талпинади. Агар ғарб фермери ўз меҳнатининг самарадорлигини ошираман ёки ҳосилни кўпайтираман деса, у кўпроқ ва кўпроқ янги технологик аслахаларни жорий этади, қўл меҳнатини механик меҳнатга алмаштиради. Бироқ Шарқда деҳқонлар вақтни оқилона тақсимлаш ва саводли қарорлар чиқариш ҳисобидан ҳосилдорликни оширганлар. Антрополог Франческа Брей айтганидай, шоли агромаданияти “маҳоратга асосланган”: агар сиз далани янада синчковлик билан ўтоқ қила олсангиз, тўғри ўғит беришни ўргансангиз, сув даражасини тез-тез текшириб турсангиз, лой қатламини нафисроқ текисласангиз ва ҳар бир квадрат сантиметр ердан унумли фойдалансангиз, янада бой ҳосил оласиз. Шунинг учун шоли етиштирадиган инсонлар бошқа қишлоқ хўжалиги турлари билан машғулларга қараганда ҳамisha кўпроқ меҳнат қилганларидан ҳайратланмаса ҳам бўлади.

Шарқда қишда ҳам тиним бўлмаган. Қуруқ даласиз мавсумга тўғри келган қисқагина дам олиш вақти – ноябрдан февралгача ҳам бошқа

қўллаб ишлар билан тўлган. Дарахт новдасидан саватчалар ва бош кийимини тўқиш ва бозорда сотиш керак. Шоли даласидаги кўтармаларни тузатиш, уйни таъмирлаш зарур. Ўғилларини яқин қишлоқдаги қариндошларга ишлаш учун жўнатиш лозим... Баҳор келиши билан эса сиз яна тонгдан далага чиқишингиз керак. Маккажўхори ёки бугдой билан таққослаганда шоли етиштириш 20 марта кўпроқ ҳаракатни сарфлашни талаб қилади! Айрим ҳисоб-китобларга кўра, осиелик шолитор деҳқон бир йилда қарийб 3000 соат ишлайди.

Бир дақиқа у қандай ҳаёт кечирганини ўйланг. Уч минг соат ишлаш – бу инсон учун улкан, баҳайбат юқдир. Бунинг устига унинг аксарият қисми тик ёқда, эгилиб, қуёш нурининг тигида шоли майдонини ўтоқ қилиб ўтади.

Унга таскин берадиган ягона нарса бу ишнинг табиатидир. Биринчидан, шоли етиштиришда сарф қилинган куч-қувват билан олинадиган мукофот ўртасида бевосита алоқадорлик мавжуд. Далада қанчалик тиришқоқлик билан меҳнат қилсангиз, ҳосилнингиз шунча мўл-кўл бўлади. Иккинчидан, бу мураккаб жараён. Деҳқон нафақат шунчаки ўйламосдан баҳорда дон сепиб, кузда ўриб оладиган одам эмас. Аслида у оилавий пудрат фаолиятини мувофиқлаштирувчи, уруғ танлашда шубҳаларни енгиб ўтувчи, мураккаб ирригация тизимини барпо этувчи ва унинг ишлашини кузатувчи, илк ҳосилни йиғиб-териб олишни бошқарувчи ва бир пайтда иккинчи экиш учун далани тайёрловчи инсондир.

Бироқ энг муҳими, бу иш деҳқонга мустақиллик ато этади. Шоли етиштириш жуда кўп билим ва маҳорат талаб қилади, бунда ер эгалари деҳқонлардан қарор топган ижара ҳақини йиғиб оладиган вазият юзага келди ва деҳқонларга қолган ишларни ўзлари билганича олиб бориш имкони берилди.

• *Шоли етиштириш жараёни нафақат ноёб меҳнатсеварликни, балким улкан синчковликни ҳам талаб қилади, – деб ҳикоя қилади тарихчи Кеннет Померанц. – Далани суғоришдан олдин идеал даражада текислаш ўта муҳимдир. Сувнинг даражасидаги заррача*

номутаносиблик ҳосилдорликка салбий таъсир кўрсатади. Сув далада муайян вақт мобайлида туриши лозим. Уруғларни бир хил масофада экиш билан уларнинг тартибсиз сепилиши ўртасида катта фарқ бор. Сиз шунчаки уруғни март ўртасида ерга сепиб, ой охирида ёмғир ёғиб қолар деб ишонч билан кутиб ўтиролмайсиз. Мутлақо ҳамма жараёнлар назорат остида бўлиши лозим.

Бу осиеликларнинг меҳнаткашлик маданияти борасидаги муҳим фикрлар эмас. Сизга исталган европа ва Америка коллежларида тасдиқлашлари мумкин, осиелик талабалар кутубхонадан ҳаммадан кейин кетадилар. Бу айб эмас, ахир меҳнатга ишониш – гўзал ахлоқдир.


Мувафаққияти инсонлар қўл қовуштириб ўтирмайдилар, шунинг учун шоли далаларида шаклланган маданият ерда ишлаган барча инсонларга машаққатлар ва қашшоқликнинг моҳиятини кўрсата олган доҳиёна маданиятдир. Бу сабоқлар осиеликларга қўллаб соҳаларда яхши хизмат кўрсатган, бироқ энг кўп фойдаси теккан соҳа математикидир.

4. Математик – қайта-қайта уринишдан кўрқмайдиган одам

Кўпинча биз математик истеъдодни туғма қобилият деб ҳисоблаймиз. У ё бўлади, ё бўлмайди. Бироқ истеъдод қобилиятлар билан эмас, кўпроқ муносабат билан боғлиқдир. Математикани қайта-қайта уринишдан кўрқмайдиган одам ўзлаштиради. Мувафаққият тиришқоқликдан, қайсарликдан ва бошқалар 30 сонияда ташлаб кетадиган масалани 22 дақиқа давомида ечишга тайёрликдан ҳосил бўлади.

(Халқаро математика ва табиий-илмий таълимдаги тенденциялар) деб аталади, уларнинг мақсади – турли мамлакатларнинг академик ютуқларини қиёслашдир. TIMMS тестларини топширишда ўқувчиларга энг турли-туман саволларни жамлаган сўровномани тўлдириш тақлиф этилади: бу саволлар орқали уларнинг математикага муносабатлари, уларнинг ота-оналари таълим даражаси, дўстлари ва ҳоказолар аниқланади. 120 банддан иборат бу анкета-сўровнома шу қадар зерикарли ва батафсилки, кўпинча унинг 10та, 20та саволлари жавобсиз қолади... Агар анкета бўйича тест натижалари ва ажратиш натижалари қиёсланса, улар деярли тўла бир-бирига мос келади. Бошқача айтганда, узоқ вақт диққатини жамлаб ўтира оладиган ва туганмас сўровноманинг саволларга сабр билан жавоб бера оладиган талабалар математик масалаларни ҳам бошқалардан кўра яхшироқ ечадилар. Бу факт Пенсилвания университетининг тадқиқотчиси Эрлинг Боу томонидан аниқланган.

Шундай қилиб, математикада қайси мамлакатлар энг кучли? Бу гал ҳам сиз мен гапни қаяққа бураётганимни тушунгандирсиз. 2003 йилда TIMMS тестлари бўйича саккизинчи синфлар орасида етакчилар бешталигига Сингапур, Корея, Гонконг, Хитой (Тайбэй) ва Япония кирган. 1999 йилда саккизинчи синфлар учун тестлар бўйича етакчилар бешлигига Сингапур, Корея, Гонконг, Хитой (Тайбэй) ва Япония кирган, 1995 йилда эса – Сингапур, Корея, Япония, Гонконг ва Бельгия етакчил қилган. Сингапур, Корея, Гонконг, Хитой, Японияни – Осиени, шубҳасиз, шоли етиштириш ва язмунли меҳнат таъсирида шаклланган маданият бирлаштиради.



Меҳнаткашлик ор-номус маданияти каби чуқур илдииз отган маданий хулқ-атвор бўлган мамлакатни тасаввур қилинг. Бу мамлакатнинг аҳолиси математикага қобилиятли бўлиши аниқдир.

Дунёда таълим ходимларининг халқаро ғуруҳи ҳар тўрт йилда бир марта математика ва табиий фанлар бўйича ҳар томонлама тестларни ўтказида, мазкур тестларда бутун дунёдан келган бошланғич ва ўрта мактабларнинг ўқувчилари иштирок этадилар. Бу тестлар TIMMS

Дарвоқе...
Буларнинг барисини мулоҳаза қилиб ҳаёлимга бир ўй келди: Алгебранинг – “Ал-жабр”дан, буюк математик аждодимиз Хоразмдан экани бежиз эмасдир, юртимизда айнан шу ерда шоли экилади ва шоли маданияти шакллангандир.

Карим БАҲРИЕВ,
Малкола Гладуэллнинг “Outliers: The Story of Success” (“Уддабурунлар ва ландовурлар”) асари асосида тайёрланди.

ШАРБАТНИНГ ИНСОН САЛОМАТЛИЛИГА ТАЪСИРИ

Ёз ойида мева ва полиз маҳсулотларининг деярли бирча турлари пишиб етилади. Ана шундай иссиқ кунларда кўпроқ хўл мева ейиш ёки унинг шарбатини ичиш тавсия этилади. Айниқса меваларни шарбат қилиб ичилса, жуда фойдали бўлади. Уларда иссиқни олиш, чанқоқни босиш, қонни суюлтириб уни кўпайтириш, овқатни яхши ҳазм қилиш, ични яхши юргизиш, қувватни ошириш каби ва бошқа турли хусусиятлар жам бўлади. Шу билан бирга уларда инсон учун зарур бўлган турли витаминлар ҳам мавжуд. Қуйида ана шундай шарбатларнинг баъзиларининг хусусиятлари ҳақида тўхталиб ўтамиз.



Узум шарбати. Бу шарбат камқонлик, ўпка касалликлари, қувват камлигини даволашда ва ўт қопидаги тошларни туширишда ёрдам беради.

Олма шарбати. Бу шарбат таркибиде суюқларни мустаҳкамловчи моддалар мавжуд. Шунинг учун уни ёш болаларга кўпроқ бериш керак.

Апелсин шарбати. Бу шарбат С витамини етишмаганда, кўз хиралашганда, радиоактив нурланиш олганда истеъмол қилинса яхши самара беради.

Картошка шарбати. Бу шарбат бош оғриғи, гастрит, жигилдон қайнашига қарши ичилади.

Сабзи шарбати. Бу шарбат кўз нурини равшанлаштиради, терини, нафас йўли ва овқат ҳазм қилиш тизимидаги шиллиг пардаларни тозалайди. Лекин жигари хаста аёлларга меъеридан ортиқ сабзи шарбатини ичиш тавсия этилмайди.

Қизил лавлаги шарбати. Бу шарбат ёшартирувчи хусусиятга эга бўлиб, ёмон сифатли ўсимталарнинг ривожланишини тўхтатиб қолади. Лавлаги шарбати жуда тахир бўлганлиги сабаб, уни каром, олма ёки сабзи шарбати билан аралаштириб истеъмол қилган маъқул. Лавлаги шарбатини бироз тиндириб қўйиб, сўнг ичиш керак.

Карам шарбати. Бу шарбат аллергияга қарши жуда яхши воситадир. Апелсин ёки мандарин егандан сўнг пайдо бўладиган турли тошмаларни каром шарбати тез йўқотади. Агар эрталаб болаларга бу шарбатдан оч қоринга бир қошиқ ичирилса, ҳар қандай диатезнинг тез орада йўқолишига сабаб бўлади.

Лимон шарбати. Бу шарбат танадан заҳарларни чиқариб ташлайди, ғайратни оширади ва жигарни яхши тозалайди.

Абдуқодир САТТОРОВ

Олимларимиз томонидан олиб борилган изланишлар доривор ўсимликлар билан бирга, деҳқон ва боғбонларнинг орзусидаги янги навлар яратишга манба бўладиган маданий ўсимликларнинг ёввойи турлари борлигидан далолат бермоқда. Негаки, юртимиз кўпгина экинларнинг ватани ҳисобланади. Масалан, кундалик турмушимизда энг кўп ишлатиладиган пиёзнинг келиб чиқиш тарихи мамлакатимиз ҳудудига боғлиқлигини кўпчилик билмаса керак. Бу ердан кейинчалик қадимги Миср, Греция, Рим ва Ер юзининг бошқа жойларига тарқалган.



ШИФОБАХШ ГИЁҲЛАР

Ҳудудимизда пиёзнинг 200 га яқин манзарали, хушбўй, доривор ва озукабоб навлари ўсади. Бу турларнинг аксарияти эндем бўлиб, дунёнинг бошқа жойларида учрамайди. Афлотун пиёзи, Ошанин пиёзи, Пском пиёзи ва аралаш пиёз шулар жумласидандир. Олимларнинг ҳулосаларига кўра, юртимиз аҳолиси азалдан истеъмол қилиб келаётган Пском пиёзи маданий навларга энг яқини ҳисобланар экан. Мамлакатимизда шу сингари 70 га яқин маданий ўсимликларнинг ёввойи турлари мавжуд. Шулардан пиёз, олма, бодом, ёнғоқ, арпа, хандон писта ва бошқа ўсимликлар биологияси атрофлича ўрганилмоқда. Натижада ёнғоқ навлари пайдо бўлган жой Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистон эканлиги ўз исботини топди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда ёнғоқларнинг ёввойи турлари Қирғизистон ва Тожикистонда ҳам учраса-да, уларнинг энг катта майдонлари Ўзбекистонда сақланиб қолган. Умумий майдони 1,5 минг гектарни ташкил этади. Табиий ёнғоқ ва пистазорларнинг асосий қисми Тошкент вилояти ҳиссасига тўғри келади.

Шифобахш гиёҳларнинг маданий ҳолда етиштирилишининг афзал жиҳати шундаки, бу фармацевтика саноатига бир хил ёш ва типдаги хом ашё қабул қилиб олиш имконини беради.

Натижада қайта ишлаш жараёни енгиллашади. Шунинг учун ўрмон хўжалиқларимизда ўлкамиз табиатига хос бўлган ва чет элдан олиб келинган пол-пала, маккаи сано, мойчечак, тирноқгул, қалампирялпиз, арслонқулоқ, эхинацея, тухумак, эман, чойўт, тоғрайхон, бўйимадарон, баргизуб, кийикўт, наъматак, қизил дўлана, қариқиз, жағ-жағ каби бир қанча ўсимликлар маданийлаштирилиб, ўстирилмоқда.

Аммо ҳозирги вақтда, асосан, Давлат фармакопеясига киритилган ўсимликлар етиштириляпти, холос. Улар халқ табобатида қўлланиладиган шифобахш гиёҳларнинг нари борса, 10 — 15 фоизини ташкил қилади. Демак, янги ташкил этилаётган “Ўзбекистон доривор ўсимликлари” кичик инновацион корхонаси, доривор ўсимликлар кластери олдида халқ табобатида минг йиллар давомида фойдаланиб келинаётган доривор ўсимликларнинг илмий табобатда ишлатилишига кўмаклашишдек улкан вазифалар турибди. Шунингдек, Ўзбекистон флорасидаги шундай ноёб, ўзига хос бўй таратувчи, такрори йўқ ўсимликлар борки, улардан мамлакатимизда бренд даражасидаги қимматбаҳо атирлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин.

Нодирбек ДАДАМИРЗАЕВ

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ -ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

АХБОРОТ ҲАМКОРЛАРИМИЗ

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

Ўзбекистон Республикаси
Банк-молия академияси

БОШ МУҲАРРИР
Бобур МУҲАММАДИЕВ

НАШР УЧУН МАСЪУЛ
Шукур ЖАББОР

ОБУНА ВА РЕКЛАМА
БЎЛИМИ РАҲБАРИ
Ўқтам АБДУЛЛАЕВ
Тел: +998 90 0264090
71 234 43 18

Факс: 71 234 43 18
Нашр индекси-102.

МУАССИС:
"Moliya yangiliklari agentligi" M-CK

Ахборот кўмаги

ЎЗА, "Norma Hamkor" МЧЖ
www.finance.uz

Тахририят манзили:
100060. Тошкент ш., Юнусобод т.
Осиё кўчаси 1а
e-mail: bankaxborotnomasi@mail.ru,

Чоп этишга тайёрловчи:
"Moliya yangiliklari agentligi" МЧЖ
Газета тахририятнинг техник
ускуналарида саҳифаланди.

Тахририятнинг фақат ёзма розилиги билан "Банк ахборотномаси"да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат берилмайди. Қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2012 йил 10 январда 0065-тартиб рақами билан рўйхатга олинган. Газета ҳафтада бир марта – пайшанба кунни чиқади.

Буюртма № г 0401 А-1384
Нархи шартнома асосида.

Газета А3 ҳажмида, 4 шартли босма табақда чоп этилди. Босишга рухсат этилди: 06.10.2020 й.,
1 2 3 4 5 6